

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўл ёзма ҳуқуқида

УДК: 577.4

ЭШЕВА ЧАРОС ФАРМОНОВНА

**«МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ
ЭКОЛОГИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ»**

5А 110501 География ва уни ўқитиш методикаси

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

“Ҳимоя қилишга рухсат”

Магистратура бўлими

бошлиғи: т.ф.н. доц.

_____ М.Х.Эсанов

«_____» июнь 2013 йил.

“География ва уни ўқитиш

методикаси” кафедраси

муdiri: _____

г.ф.н. Н.Р. Алимқулов

Илмий раҳбар: _____

г.ф.н. Н.Р. Алимқулов

Тошкент - 2013

МУНДАРИЖА

	бет
КИРИШ.	3
I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИЙЙ ХУДУДЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ	6
1.1. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар географиясини ўрганиш назарияси ва амалиёти.....	6
1.2. “Экоҳаракат” нодавлат нотижорат ташкилотининг табиатни муҳофаза қилишдаги ўрни.....	15
I боб бўйича хулосалар.....	25
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИЙЙ ХУДУДЛАР ЭКОЛОГИЯСИ.....	26
2.1. Миллий боғ ва кўрикхона, буюртмаларнинг табиатни муҳофаза қилишдаги ўрни ва аҳамияти.....	26
2.2. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экологик ҳолатини ўрганиш муаммолари.....	31
2.3. Муҳофаза қилинадиган табиий ландшафтлар ва улар фаолиятида “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги янги қонуннинг ўрни.....	36
II боб бўйича хулосалар.....	42
III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИЙЙ ХУДУДЛАР ЭКОЛОГИЯСИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ...	45
3.1. Муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг экологик, ҳуқуқий фаолияти ва уларни яхшилаш усуллари.....	45
3.2. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва уларнинг экологик фаолиятига география таълимида эътибор.....	68
III боб бўйича хулосалар.....	76
ХУЛОСА.	77
Фойдаланилган адабиётлар.	78
ИЛОВА.	83

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиши кейинги йилларда тобора ортиб бормоқда. Кишилиқ жамиятининг ривожланиши инсоннинг табиатга кўрсатадиган таъсирини кучайтиради. Натижада табиий ландшафтлар инсон томонидан вужудга келтириладиган антропоген ландшафтларга айланади ва табиий ҳамда антропоген омиллар ўзаро уйғунлашиб кетади. Табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг географик жиҳатларини ўрганиш ҳозирги кунда муҳим саналади. Шу сабабли Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва унинг экологик шароитини ўрганишда миллий боғлар, кўриқхоналар, буюртмалар ва келажакда муҳофаза қилиниши лозим бўлган табиий ҳудудларни ажратиш ва уларнинг ролини баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Табиий муҳофаза қилинадиган ҳудудларни ажратиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш муаммосини ҳал этишда илмий, техник, иқтисодий, ҳуқуқий ва тарбиявий жиҳатларини ўрганиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 22 сентябрда БМТнинг “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари” саммитининг ялпи мажлисида, 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида таъкидланганидек, республикада мазкур ижтимоий-экологик муаммолар ва улар билан боғланган алоқадор вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган экологик сиёсат асослари ишлаб чиқилиб, атроф-муҳит ва тараққиёт масалалари сиёсат, режалаштириш ва бошқариш даражаларида қатъий ҳисобга олиниб, бу борада самарали ҳуқуқий ва меъёрий тузилмалари яратилмоқда¹.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”.- Т.: “Ўзбекистон” 2010. 4-126.

Экологик сиёсат доирасида амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий, конун чиқариш, ижро этиш ва судга оид чора-тадбирлар тизими атроф-муҳит ва уни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга имкон бермоқда. Бу - миллатимиз, хусусан, Жанубий Оролбўйи учун XXI асрнинг энг катъий талаби ва таклифи эди.

Магистрлик диссертациясининг мақсади: Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг экологик шароитини ўрганиш, табиатда инсон учун етарли табиий шароитини сақлаш.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари:

- Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг географик жихатларини очиб бериш;
- «Экоҳаракат» ташкилотининг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экологиясини ўрганишдаги ўрнини аниқлаш;
- Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар географиясини тавсифлаш;
- Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг экологик фаолиятини такомиллаштириш масалалари ва чора тадбирларни белгилаш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар комплекс равишда ўрганилмаган. Улардан турли мақсадларда яъни табиатдан оқилона фойдаланиш, экология, рекреацион география ва экотуризмни ривожлантиришда қисман тўхталиб ўтилган, лекин уларнинг экологик ҳолати тўлиқ равишда очилмаган.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар: миллий боғлар, кўрикхоналар, буюртмалар.

Тадқиқот предмети: Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экологик ҳолатининг географик жихатлари, улардан ўрта махсус ва олий таълимдаги ўрнини ўрганиш.

Тадқиқотнинг назарий асослари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қарорлари

ва дастурлари, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, экология дарсликлари ва қўлланмаларини яратишда амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Ўзбекистонда Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг экологик ҳолатини ўрта махсус ва олий таълим тизимида фанлар доирасида ўрганиш, унинг ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Олий ва ўрта махсус таълим тизимида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар табиий шароитига, унинг экологиясига эътибор кучайтирилади, муаммоли географик масалалар ва антропоген омилларнинг таъсирини камайтириш чора – тадбирлари ишлаб чиқилади ва амалиётга тадбиқ қилинади.

Кутилаётган натижалар ва муаммоли ечимлар: Мавзу юзасидан учта карта – схема, тўртта жадвал ва блок диаграммалар ҳамда Ўзбекистондаги муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг экологияси ва такомиллаштиришга оид чора – тадбирлар белгиланилади, иккита илмий мақола чоп этирилади.

Магистрлик диссертациясининг структуравий тузилиши: Мавзу Кириш, 3-боб, 7-банд, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат.

Тажриба – синов майдончаси (МТМ, мактаб, КХК, АЛ): КХК ва Олий таълим.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИИЙ ХУДУДЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар географиясини ўрганиш назарияси ва амалиёти

Кишилиқ жамияти табиий борлиқнинг бир қисми бўлиб, унинг мавжудлиги ва ривожланиши табиатнинг инсон онгига боғлиқ бўлмаган объектив қонуниятларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Кишилар бутун ҳаёти мобайнида табиатда яшайди ва ўзига керакли барча нарсаларни табиатдан олади. Инсон фойдаланадиган ва истеъмол қиладиган ҳамма нарса табиат неъматидан билан инсон меҳнати маҳсулидир. Инсон ҳамма нарсани табиатдан ўз меҳнати орқали олади. Мана шу меҳнати билан у табиатга таъсир кўрсатади. Инсоннинг табиатга таъсири ижобий бўлиши ҳам, салбий бўлиши ҳам мумкин. Бу инсон меҳнатининг қандай ташкил этилиши ва амалга оширилишига боғлиқ, яъни инсон ўз меҳнати билан табиатга таъсир этаётганда табиий географик қонуниятларни ҳисобга олишига бевосита боғлиқдир. Авваламбор инсоннинг табиатга таъсир этиши инсон пайдо бўлган даврлардан бошланган. Лекин кишилиқ жамияти ривожланишининг илк даври ибтидоий жамоа даврида одамлар асосан овчилик ва балиқ тутиш билан кун кечирганларида, уларнинг ҳаёт фаолияти табиий шароит ва ресурслар билан чамбарчас боғлиқ эди. Инсоннинг табиатга бўлган таъсири эса, асосан табиий муҳитга, антропоген таъсир натижаси, яъни антропоген ландшафтларнинг вужудга келиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг сони камайишида акс этган. Бинобарин, табиат ривожланишининг дастлабки ибтидоий босқичида инсон фаолиятида табиат таъсири устунлиқ қилган. [10,11.]

Мазкур магистрлик диссертацияси “Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экологик фаолиятини такомиллаштириш масалалари” да табиатни муҳофаза қилишнинг географик асослари очиқ берилган. Инсон ва табиатнинг ўзаро таъсирининг асосий йўналишлари ва босқичлари, табиий ресурслар ва улардан фойдаланиш миқёси, табиий ресурсларнинг

инсон томонидан ўзлаштирилиши, ер, сув, иқлим, минерал ва биологик ресурслар, яъни ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсидан фойдаланишда табиатнинг ифлосланиши, тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслар, табиатни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик масалалари муҳокама этилган. Шу билан бирга инсоннинг ҳўжалик фаолияти таъсирида табиатда рўй берадиган ўзгаришлар ҳамда инсон меҳнати билан бунёд этилган табиий ҳудудий комплексларда юз бераётган силжишлар ҳақида, Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва уларнинг географик жихатлари тўғрисида маълумотлар берилади.

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, яъни Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган. Ўзбекистон ҳудудининг 78,7 фоизи текисликдан ва 21,3 фоизи тоғлардан иборат. Мамлакат ҳудудида Ғарбий Тяньшан тизмаси таркибидаги Талас, Уғом, Қоржантаў, Писком, Кўксув, уларнинг бевосита давоми ҳисобланган Олой, Зарафшон, Туркистон, Ҳисор, Боботаў, Нурота каби бир неча тоғлар ҳамда Мингбулоқ, Сариқамиш, Асакаовдан ботиқлари каби рельеф шакллари ривожланган. Ўзбекистоннинг табиати ва табиий шароити, табиий географик ўрни Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар табиатидан кескин фарқ қилади. Мамлакат ҳудуди шимолдан жанубга қадар 325 км га чўзилган бўлиб, геологик, геоморфологик, ер юзасининг тузилишидаги тафовутлар, иқлим ҳосил қилишда, ички сувлар (дарёлар, кўллар, ер ости ва усти сувлари) ҳамда биологик ресурсларнинг тарқалишида муҳим ўрин тутди. Масалан, мамлакат жанубида субтропик иқлим минтақаси ҳукм сурса, шимолда мўътадил иқлим минтақа доирасида ғарбдан илиқ (мўътадил), шимолдан эсувчи совуқ ҳаво массалари (арктика) тўғридан тўғри кириб келади ва ҳудудда континенталликни юзага келтиради.

Мамлакат ҳудуди бўйлаб ўртача йиллик ҳарорат ҳам турлича. Масалан, ўртача йиллик ҳарорат Нукусда $+11,0^{\circ}\text{C}$ бўлса, Тошкентда $+13,9^{\circ}\text{C}$, Термизда эса $+17,8^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлса, Ўзбекистоннинг текислик қисмида ёзда ўртача йиллик ҳарорат $+26$ $+30^{\circ}\text{C}$ га етади.

Ўзбекистоннинг тупроқ қоплами ўсимлик ва ҳайвонот олами жуда хилма хил тузилишга эга. Уларнинг тарқалишида иқлим ва рельеф хусусиятлари муҳим ўрин тутди. Мамлакат ҳудуди бўйлаб чўлларда асосан шўрхоқлар, тақирлар, текислик ва водийларда бўз тупроқлар, тоғ олди ва тоғ минтақаларида сур ва қўнғир тусли тупроқлар кенг тарқалган [14,15].

Шу маънода табиат тушунчасига эътибор қаратайлик. Табиат дейилганда биз ўзимизни ўраб турган ҳаво, сув, тупроқ, тоғ жинслари, ўсимлик ва ҳайвонот оламидан иборат мураккаб моддий борлиқни кўз ўнгимизга келтирамиз. У инсоннинг барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи ягона манба ҳисобланади. Ҳозир инсон ақл заковати туфайли ердан бир неча миллиард ёруғлик йилига тенг келадиган узоқларни “кўраётган” бўлса ҳам, бизга маълум бўлган, оламда бирорта ҳам ер сайёрасининг табиатига ўхшаш табиат ва ҳаёт шакли мавжудлиги аниқланмаган. Ер табиати ягоналигини яққолроқ тасаввур қилиш осон бўлиши учун қуйидаги маълумотларни келтирамиз. Ҳозирги илмий маълумотларга қараганда, биз билган олам бир-биридан бир неча ёруғлик йилига тенг масофаларда жойлашган [16].

Табиатнинг инсон ва жамият учун аҳамияти жуда катта. Уни инсон эҳтиёжини қондириш жиҳатларига қараб, иқтисодий, илмий, соғломлаштириш, тарбиявий ва эстетик турларга бўлиш мумкин [26].

Иқтисодий аҳамияти дейилганда, ундаги ресурслардан (табиий ресурслар: ҳаво, тупроқ, минераллар, ўсимлик ва ҳайвонлар) турли ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда асосий моддий манба сифатида фойдаланиш тушинилади. Маълумки, инсон ва жамият эҳтиёжларини қондирувчи барча маҳсулот ва хом ашёлар табиий манбалар ҳисобига яратилади.

Илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, инсоннинг барча билимлари негизида барча табиат ва ундаги турли жараёнларни кузатиш, ўрганиш, таҳлил этиш ва амалий хулосалар қилиш ётади.

Соғломлаштириш аҳамияти дейилганда, соф табиий унсурлар (мусаффо ҳаво, тоза сув, унумдор тупроқ, баҳаво ўрмон)нинг ва шифо берувчи табиий модда ва жараёнларнинг инсон саломатлигига ижобий таъсири тушунилади. Бундан қарийб минг йил аввал яшаб ўтган буюк ватандошимиз Абу Али Ибн Сино “Одамлар саломатлиги ташқи шароит билан ҳамбарчас боғланган” дейилганда, табиатнинг айнан шу хусусиятини назарда тутган бўлишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Тарбиявий аҳамияти дейилганда, соф ҳақиқий табиатнинг кишиларда олижаноблик, хушфеъллик, бағрикенглик, ватанпарварлик, улуғворлик, мулойимлик каби ахлоқий ҳисларларни уйғотиш ва шакллантириш хусусиятлари тушунилади. Табиат қўйнида ёки тез-тез у билан бирга бўлиш инсонларнинг ёшидан қатъий назар уларда инсоний фазилатларнинг камол топишига ёрдам беради.

Табиатнинг **эстетик аҳамияти** беқиёсдир. Инсондаги барча гўзаллик, мукамаллик, мусиқа, тасвирий санъат, куй наво ҳислари ва уларга бўлган эҳтиёжларининг негизида табиат ётади. Табиатдаги ям-яшил водийлар, зилол зувли булоқ ва сойлар, баланд тоғлар, кенг ясси текисликлар, ранг-баранг гуллар, хушовоз ва чиройли қушлар инсон учун фақат моддий неъматлар манбаигина эмас, балки битмас туганмас ижод, гўзаллик, дид ва руҳий қувват манбаи ҳисобланади [29].

Кўриниб турибдики, инсон ҳам жисмонан, ҳам руҳан атроф-муҳит билан узвий боғлиқ экан. У тирик организм сифатида ўз мавжудлигини таъминлаш учун доимо табиат билан модда, энергия ва ахборот алмашиб туришига мажбурдир. Бу деган сўз, инсон табиатининг таркибий қисми сифатида у билан биргаликда уни ичида мавжуд бўла олади.

Мавжуд илмий манбаларга асосланиб, ер сайёраси ёшини 4,7 миллиард йил деб айтиш мумкин. Мана шу ўтган узоқ геологик давр мобайнида ерда ўзига хос табиат шаклланган ер табиатининг

эволюцион, спиралсимон тадрижий таракқиёти бир неча босқичларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Табиатнинг шаклланиши эволюцияси ва асосий хусусиятларини ўрганиш билан географиянинг бир қатор табиий фанлари шуғулланади. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фани нуқтаи назаридан табиат компонентлари орасидаги ва улар ичидаги мувозанат қандай қарор топганлиги ҳамда уни жамиятнинг табиатга таъсири кучайиб бораётган ҳозирги пайтда қандай қилиб сақлаб туриш мумкинлиги асосий аҳамиятга эга. Табиатни ташкил этувчи таркибий қисмлар ҳаво, сув, тоғ жинслари ўсимлик ва ҳайвонотлар орасида ва табиатдаги турли модда ва энергия алмашинуви жараёнларида, узоқ геологик даврлар мобайнида ўзига хос барқарорлик ҳолати юзага келган. Табиатдаги мана шу барқарорлик ҳолати табиий ёки экологик мувозанат деб аталади. Ернинг табиати ўзига хос кўрсаткич ҳамда қонуниятларга эга бўлган турли ички ва ташқи таъсирларига маълум даражада бардош бера оладиган мураккаб функционал тизимдир. Бу тизимни ташкил этувчилар, яъни табиатнинг таркибий қимлари доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлгани туфайли ундаги мувозанат ҳам динамик ҳолатда мавжуд бўла олади. Табиатнинг нозиклиги, гарчи у улкан тузилма бўлса ҳам, унга таъсир этишнинг осонлиги айнан ундаги мана шу мувозанат ҳолати туфайлидир. Ҳозирга келиб ер юзидаги қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 70% и, ўрмонларнинг 50% и, биологик ресурсларнинг 70% дан ортиғи, чучук сув захираларининг 20% и инсонлар томонидан ўзлаштирилиб фойдаланилмоқда. Йилига ер остида турли мақсадларда 120 млрд тонна турли минераллар ва турли хил жинслар қазиб олинмоқда. Экин майдонларига 500 млн тонна минерал ўғит ва 4 млн тоннадан зиёд турли захарли пестицидлар қўлланилмоқда. Ҳозирга келиб, инсон томонидан яратилаётган моддалар ва амалга оширилаётган жараёнлар кўлами шу даражага етдики, ерда ўзига хос сунъий ёки антропоген модда ва энергия алманишуви реал воқеликка айланиб қолди.

Баъзи ҳолларда бу жараён табиий жараёнлардан ҳам устинлик қилмоқда. Табиатдаги ва у билан жамият ўртасидаги мувозанат бузилмоқда. Агар инсон томонидан табиатга ўтказиладиган салбий таъсирлар кучли ва узоқ давом этса, табиат бундай тазйиққа бардош бера олмай тезлик билан таназзулга учрайди, инсон ва жамиятнинг моддий негизи бўлган табиат заифлашиб асл ҳолатини йўқотади. [16].

Ҳозирга келиб, табиатга инсонларнинг таъсири кескин ортиши оқибатида географик қобикдаги бир қатор салбий ўзгаришлар кучайиб, жамиятимизнинг келажаги хавф остида қолмоқда. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- сайёрамиз бўйлаб атроф-муҳит ҳолати кундан – кунга салбий томонга ўзгариб бормоқда;
- кўп мамлакатларда инсонлар саломатлиги ёмонлашиб, болалар ўлими юқори, турли минтақаларда ҳар хил урушлар ва низолар авжига чиқмоқда;
- инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган кўплаб моддий неъматлар камайиб бормоқда.

Шундай бир шароитда инсоният ўз ишлаб чиқариш фаолиятини мукаммаллаштириш ва табиатга камроқ зиён етказадиган технологияларни тезроқ жорий этишга жуда секинлик билан киришмоқда. Табиатдаги салбий ўзгаришлар оқибатида инсон яшаш муҳитининг ёмонлашуви билан характерланадиган экологик муаммолар юз бермоқда. Бундай муаммоларнинг таъсири доираси кўламига қараб, шартли равишда умумсайёравий ёки умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий экологик муаммоларга бўлиш мумкин [29,30].

Умумсайёравий экологик муаммолар сифатида аҳолини шиддатли тарзда кўпайиб бориши, хом ашё ва энергетик ресурсларнинг камайиб бораётганлиги, ҳаво, сув, тупроқларнинг ифлосланиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни айтиб ўтиш мумкин. Шунингдек Озон туйнуги, ҳаво таркибида корбонат ангидрид миқдорининг ошиб бориши, ерда ўртача

хароратнинг кўтарилиши каби ҳолларни ҳам умумбашарий экологик муаммолар гуруҳига киритиш мумкин.

Минтақавий экологик муаммолар таъсир кўламига кўра сайёрамизнинг алоҳида ҳудудлари ёки давлатларга хос бўлган муаммолардир. Масалан, Марказий Осиёдаги Орол муаммоси, Африканинг баъзи ҳудудларидаги қурғоқчилик, Ғарбий Европада ва Америкадаги баъзи кучли индустриалашган ҳудудларга хос муаммолар минтақавий экологик муаммолардир.

Маҳаллий экологик муаммолар таъсири кўламига кўра нисбатан кичикроқ ҳудудларда намоён бўлади. Булар алоҳида ҳудудларга, масалан, шаҳар, туман ёки айрим ишлаб чиқариш минтақасига хос муаммолардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, экологик муаммолар хусусида фикр юритилганда шуни доимо ёдда тутиш зарурки, улар маълум шароитларда тезда бир гуруҳдан иккинчисига ўтиши мумкин, яъни аслини олганда, экологик муаммоларни катта-кичиги бўлмайди, уларнинг ҳаммасини ҳам вақтида олди олинмаса табиат ва инсонга тузатиб бўлмас даражада зарар етказади.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг таркибий бўлинмалари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган “2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишига қаратилган ҳолда амалга оширдилар. Ушбу қарорга мувофиқ, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳайъат йиғилишларида фаолиятнинг 2009 йилдаги муҳим устувор вазифалари кўриб чиқилди ва белгиланди. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат

кўмитасининг “2008 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тўғрисидаги” “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2009 йил 28 мартдаги 641-1 сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Аграр-сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг 2009 йил 27 февралдаги 32-сонли қарорини бажариш мақсадида кўмита кенгайтирилди [35].

Маълумки, халқимиз бошидан ўтказган тотилатар, маъмурий – буйруқбозлик тизими табиатга, атроф муҳитга беписанд муносабатда бўлиш, табиий ресурсларни талон – тарож қилиш билан тавсифланади. Ушбу давр ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генофондига салбий таъсирини, биологик хилма – хилликнинг қисқариши, катта ҳажмдаги саноат ва бошқа тур чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг деградацияси, Орол денгизи ҳалокати каби минтақавий ва глобал миқёсда ечилиши зарур бўлган экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Бу ва шу каби муаммолар инсон ҳамда унинг манфатлари ҳимояси, биринчи навбатда, унинг соғлом ва мусаффо атроф – муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ўзагини ташкил этган замонавий Ўзбекистон учун зарур бўлган атроф табиий муҳитни асраб авайлаш ва соғломлаштириш масалаларини янада долзарб қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақилликка эришгандан сўнг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган йигирмадан ортиқ қонун, 350 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди. 2003-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури кўмагида Қорақолпоғистонда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилинди.

Регионда юз бераётган экологик вазиятларни соғломлаштириш, биологик хилма-хилликни сақлаш, энг асосийси халқнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини яхшилаш мақсадида Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Тараққиёт дастури, ГЖЕ ва бошқа донорлар кўмагида Қорақалпоғисон Республикасида ўрта масштабдаги 4 та экологик лойиҳа амалга оширилди. Бундан ташқари 2006 йилдан бошлаб Амударё дельтасида қиймати 1,18 млн АҚШ доллар бўлган “Тўқайларни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш” лойиҳаси, 2010 йилдан бошлаб эса “Устюрт платосида сайғоқларни сақлаб қолиш” лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланиш йилларида босиб ўтилган йиллар ва эришилган ютуқларни сарҳисоб қилинганда, мамлакатимиз Президенти томонидан республикада иқтисодиётнинг турли тармоқларида ижтимоий- иқтисодий ислоҳатларда, хусусан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида салмоқли ютуқларга эришганлиги таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ўтмишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ табиатни муҳофаза қонунчилиги такомиллаштирилмоқда. Атроф-муҳит соҳасига оид қатор стратегик ҳужжатлар, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларини қайта техник ислоҳ қилишга йўналтирилган ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида республика бўйича экологик ҳолатининг барқарорлашув тенденцияси кузатилмоқда. Барқарор ривожланиш хусусан, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун сув ресурсларининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг муҳофаза қилинадиган ҳудудларида сув ресурсларини комплекс бошқарув тизимини ривожлантиришга улардан самарали фойдаланиш ҳамда сув таъминоти ва санитария масалалари бўйича

халқаро даражада қабул қилинган мажбуриятларни бажаришга интилоқда. Бунда сув ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва бошқарувини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бизга маълумки, инсон ва уни ўраб турган табиат бир-биридан ажралмас ва ўзаро боғлиқдир. Чунки ҳар бир инсон ва бутун жамият учун зарурий ҳаёт муҳити ва моддий ресурсларнинг ягона манбаидир. Табиат инсонга ўз саховатини инъом қилиб, бундан ўзи бекиёс зарар кўрмоқда. Ўзбекистонда бундан 50-60 йил олдинги инсон йўл топиб юра олмайдиган тўқайзорларнинг номларигина сақланиб қолди. Тўқайзорлар чўл ва даштлар, адир ва тоғлар, ботқоқлик ва кўллар, кумлик ва шўрхок ерлар ўзлаштирилиб маданий ландшафтларга айлантирилди. Ҳайвонлар учун яшаш муҳити, озикланадиган, ҳимояланадиган табиий ландшафтлар майдони қисқарди, натижада уларнинг бир қисми тўқайларда, тоғ ораликларидаги пана жойлардагина сақланиб қолди.

Ўтган асрларда Фарғона водийсидаги тоғларда яшаган кулоннинг Осиёда яшаган бир тури водийнинг Сирдарё қирғоқларидаги тўқайзорларда ва қамишзорларда тарқалган эди. Йўлбарс ҳам яшаш шароитининг ёмонлашуви тартибсиз овланиши оқибатида бизгача етиб келмай отиб тугалланган. Яқин ўтмишда кўплаб учрайдиган сайғоқ оммавий қирилиб кетгани туфайли “ Қизил китобга ” киритилиб ҳимоя остига олинган.

1.2. “Экоҳаракат нодавлат нотижорат ташкилоти” нинг табиатни муҳофаза қилишдаги ўрни.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида муайян тажриба орттирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳолда ҳал этишда давлат

органлари, жамоат бирлашмалари, фуқоролик жамияти институтлари ва фуқороларнинг ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқоронинг вазифаси бўлиши лозим. Шу муносабат билан 2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси асосида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг тузилганлиги бугунги даврнинг долзарб талаби ҳисобланади.

Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқоронинг вазифаси бўлиши лозим. “Экоҳаракат” сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохатларни амалга ошириш жараёнида экологик йўналтирилган ёндашув Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф – муҳит ва инсон саломатлиги ҳақидаги ғояларни қўллаб қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқороларини бирлаштиришга йўналтирилгандир.

Экоҳаракат Ўзбекистон фуқороларининг ҳозирги ва келгуси авлоди кулай атроф табиий муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, табиий ресурсларнинг барча мажмуини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини сўзсиз таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга интилади. Экоҳаракат “Соғлом муҳит- инсон саломатлиги” ғоясини ўзининг асосий шиори деб ҳисоблайди ва уни амалда бажаришини таъминлаш мақсадида ўз олдида қуйидаги дастурий вазифаларни қўяди.

Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштироки фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш зарур. Экоҳаракатнинг асосий эътибори атроф муҳитни муҳофаза қилиш

мамлакатимиз ҳар бир фуқоросининг умумий вазифаси бўлиб қолишига ундайди. Ушбу мақсадларда Экоҳаракат ўзининг ҳаракатларини:

- ўз иштирокчилари ва ҳамкор ташкилотларида минтақавий, миллий ва маҳаллий экологик ҳамда аҳоли саломатлиги муҳофазасига оид яхлит дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни бажаришдаги амалий иштирокларини фаоллаштиришга қаратилган ҳаракатларни шакллантириш;

- жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорликларини муайян экологик муаммоларни ҳал этишдаги самарадорликни ошириш ва ривожлантиришга йўналтиради;

- Экоҳаракат шунингдек, халқаро ва чет эл экологик ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшилишга интилади.

Атроф, табиий муҳит муҳофазаси масалаларида қабул қилинган қонунлар ва давлат миқёсида бошқа қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритиш. Бунда хусусан экоҳаракат:

- мамлакатда экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга бошқача зарар етказганлик учун корхона ва ташкилотларнинг, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқороларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган чора тадбирларни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга;

- энергетика ресурслардан тежамли фойдаланиш ва босқичма – босқич қайта тикланувчи энергия турларига ўтиш;

- янги самарали услублар ҳамда инновацион қишлоқ хўжалиги технологияларини қўллаш ҳисобига ер унумдорлиги ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузиш, ишлаб чиқарувчи учун наф келтирмайдиган тарздаги солиққа тортиш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолияти учун имтиёзлар беришнинг самарали тизимини яратиш;

Атроф, табиий муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда марказ ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар маъсулиятини ошириш лозим. Бунда асосий эътибор марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар мансабдор шахсларнинг қонунлар ҳамда бошқа давлат қарорларини бажариш бўйича жавобгарлигини оширишга йўналтирилади;

- муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва объектлар, экологик сертификатлаш ва экспертиза тўғрисидаги, чиқиндилар билан муносабатда бўлиш ҳамда ишлаб чиқаришдаги экологик талаблар тўғрисидаги;

- сув, сувдан фойдаланиш тўғрисида, ер тўғрисида, ер ости бойликлари тўғрисида, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги;

- мамлакат аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар аҳолининг сув ресурсларидан тежамкорлик оқилона фойдаланиш борасидаги жавобгарликни кучайтириш;

- Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик ноқулай ҳудудларда экологик ҳолатни барқарорлаштириш, қайта тиклаш ва соғломлаштириш;

- қишлоқларда маданий-маиший турмуш тарзини, айниқса унинг санитар, гигиеник ва экологик омилларни яхшилаш;

- соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва генофондни муҳофаза қилиш;

- интенсив шамол эрозияси ва чўл ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари ва шаҳарлар атрофида яшил ҳимоя тизимларини барпо қилиш;

Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш ишларини амалга оширади.

Аҳолининг экологик билимларини оширишда Экоҳаракат куйидаги йўналишлардаги давлат дастурини бажаришда фаол иштирок этишни назарда тутди:

- узлуксиз экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълим дастурини шакллантириш ва амалга ошириш;

- экология соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари, иқтисодиёт ва бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари раҳбарлари, мутахассислари экологик маълумотини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

- экологик таълим тарбия жараёнига масофадан туриб ўқитиш ва таълим бериш имкониятларини ўз ичига олган замонавий ахборот - коммуникация технологияларини жорий қилиш;

- умумтаълим мактаблари бошқа ўқув муассасалари, оила, фуқороларнинг ўзини – ўзи бошқариш органларида ёшларнинг экологик таълими ва тарбияси борасидаги саъй- ҳаракатларини бирлаштириш;

Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали баъзи муаммоларни ҳал қилиш мумкин.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим экологик ҳужжатларига – БМТ нинг чўлланишга қарши кураш, биохилма – хилликни асраш, иқлим ўзгариши, трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича ва бошқа конвенцияларга қўшилганлигини назарда тутиб, Экоҳаракат атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш

борасидаги самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшишга интилади. Шу мақсадда Экоҳаракат куйидагиларни амалга оширади:

- халқаро экологик форумларда Ўзбекистон вакилларининг самарали иштирок этишига;

- экологик муаммолар бўйича икки томонлама ва кўп томонлама халқаро анжуманлар, семинарлар ва учрашувлар ўтказиш амалиётини ривожлантиришга фаол жамоатчилик кўмагини ва қўллаб-қувватланишини таъминлайди;

- халқаро молиявий институтларни атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги, экологик вазият, экологик тиббий таълим ва тарбияни яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор дастур ҳамда лойиҳаларни инвестициялаш ва кредитга жалб қилиш кабилар келтирилган.

Атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқоронинг вазифаси бўлишига эришиш.

Экоҳаракат ушбу мақсадларга эришиш йўлида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Қонунчилик палатасининг депутатлари, маҳаллий кенгашларнинг депутатлари, фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муносабатларини тараққий эттиради.

Экоҳаракат доирасида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқоролар ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатини соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини ҳимоялаш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиради, умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув муассасалари фаоллари, фуқороларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари, оила ва шахснинг экологик таълим-тарбия тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга кўмаклашиш каби масъулиятларни ўз ичига олади.

Атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Экоҳаракат куйидагиларни доимий равишда амалга оширади:

- ёшларнинг экологик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни, ёшларни табиатни муҳофаза қилиш ишига фаол жалб этишни;

- мамлакат ер, сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишдаги муаммоларини ҳал этиш мақсадида экологик ҳаракатга фермерлар ва аграр соҳанинг бошқа ходимларини кенг миқёсда жалб этишни;

- одамларда ўз соғлиғини сақлашга, табиат қонунларидан келиб чиққан ҳолда ҳаёт фаолиятларини ташкил этиш муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган саломатлик, соғлом турмуш тарзи фалсафасини тарғиб қилишда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ҳамда фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашишни мўлжалламоқда.

Юқорида келтирилган қонунлар асосида Экоҳаракат мамлакатимизнинг барча фуқороларини Она-Ватанимизнинг бебаҳо табиий бойликларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашдек олий вазифани бажаришда фаол иштирок этишга чақиради.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг жойлардаги ҳудудий бошқаруви томонидан юқоридаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг бажарилиши, фуқороларнинг мурожатларини кўриб чиқиш бўйича ижро интизомини текшириш учун ишчи гуруҳларини ташкил этади. Текширишлар натижалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрланиб, назорат ва ижро учун табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг жойлардаги бўлинмаларига юборилади.

Экоҳаракатнинг тўлиқ расмий номига тўхталадиган бўлсак, ўзбек тилида “Ўзбекистон экологик ҳаракати ” қисқа расмий номи эса, “Экоҳаракат” деб юритилади. Экоҳаракатнинг фаолияти ихтиёрийлик, қонунийлик, ўзини ўзи бошқариш ва ошқоралик тамойилларига асосланган бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Экоҳаракат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, ўзининг муҳри, штампи, бланкалари, рамзлари ва бошқа белгиларига эга бўлади. Экоҳаракат мустақил баланс юритади, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларини очиши, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Юқоридаги бизга маълум бўлган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда Экоҳаракатнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон фуқоролари бугунги ва келажак авлоднинг қулай атроф – муҳитга эга бўлиши, соғлиқни сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва экологик ҳавфсизликни таъминлашга бўлган ҳуқуқларига риоя этилишига эришиш;

- аҳолининг атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш ва инсон саломатлигини сақлаш, экологик ҳолатини яхшилаш: атмосфера, сув ва ер ресурслари, уларни зарарли чиқиндилардан муҳофаза қилиш, биологик хилма- хилликни асраш ва тиклаш бўйича ишлардаги фаоллигини ошириш;

- қонунчилик талабига риоя этган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, инсон саломатлигини сақлаш ва экологик ҳавфсизликни таъминлаш борасидаги умуммажбурий тусга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлаш шунингдек, ушбу соҳага оид зарур қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши юзасидан ташаббуслар билан чиқиш;

- давлат органлари, ташкилотлар ва фуқоролик жамияти институтларининг улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича вазифаларни ҳал қилиш учун ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш борасидаги маъсулиятини ошириш;

- аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларида экология, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон саломатлигини сақлаш масалалари бўйича махсус фанларни жорий этиш;

- экологик хавфсизлик, қулай атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

- экоҳаракат ўз мақсадларига эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажаради;

- жамоатчиликнинг атроф табиий муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни соғломлаштириш ишидаги фаоллигини ошириш;

- атроф табиий муҳит ва аҳолини саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

- аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш;

- атроф, табиий муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

- атроф муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқоронинг вазифаси бўлишига эришиш;

- Экоҳаракат қатнашчилари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш каби асосий мақсад ва вазифалар ётади.

Экоҳаракат юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда қарорларни қабул қилишда қуйидаги тамойилларга асосланиб иш кўради:

1. Экоҳаракатнинг ҳар бир органи – Конференция, Марказий кенгаш, Ижроия қўмита, шунингдек, ҳудудий бўлинманинг конференцияси, Кенгаши ва Ижроия қўмитаси, агар унинг мажлисида мазкур орган яримдан кўпроғи иштирок этаётган бўлса, қарор қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

2. Барча қарорлар овоз бериш йўли билан мажлисда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилик овозини олиш орқали қабул қилинади.

3. Экоҳаракат Конференциясининг қарори яширин овоз бериш йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин.

Бундан ташқари Экоҳаракат Ўзбекистон Республикасининг қонунлари доирасида давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари билан муносабатларга киришиши, бошқа давлатларнинг жамоат бирлашмалари ва халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиши мумкин. Экоҳаракат ўз қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқ равишда ҳудудий тамойил асосида бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг фуқоролари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари Экоҳаракат қатнашчилари бўлиши мумкин. Фуқоролар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Экоҳаракатда қатнашиш тартиби Экоҳаракатнинг Марказий Кенгаши томонидан Ижроия қўмита таклифига мувофиқ тасдиқланади [35,36,37].

I боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда табиат ўзига хос мураккаб тизим бўлиб, инсон ва жамият унинг ҳосиласидир. Инсон табиатдаги ҳаво, сув, озиқ-овқат, минерал, ёнилғи ҳам ашёларни олади, ўз эҳтиёжларини қондиради ва ҳаёт фаолият давомида унга ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳозирги кунга келиб, бутун дунёдаги экологик ҳолат кўпчиликни бирдек безовта қилмоқда. Экологик ҳолат кўз ўнгимизда даҳшатли тус олмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва мавжуд табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари долзарблигича қолмоқда.

“Экоҳаракат” ташкилоти доирасида бажариладиган вазифалардан келиб чиқиб атроф табиий муҳит ва аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини, атроф, табиий муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби фаолиятларини олиб боришни кенг йўлга қўйишни амалга ошириш лозим.

II. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИИЙ ХУДУДЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

2.1. Миллий боғ ва қўриқхона, буюртмаларнинг табиатни муҳофаза қилишдаги ўрни ва аҳамияти

Маълумки, 1972 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Стокгольм шаҳрида ўтказилган конференцияси қарорига мувофиқ, 5 июнь “Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни” деб эълон қилинган эди. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган мазкур анжуманда шундай хулосага келиниши бежиз эмас. Чунки ўша даврдаёқ бу ҳаётини муҳим масала мамлакатлар, мутахассислар, умуман, жамоатчилик олдидаги долзарб вазифалардан бирига айланган.

Ландшафт компонентлари инсон яшайдиган аниқ (конкрет) муҳит ҳисобланиб, уни ҳар қандай кўнгилсиз ва нооқилона ўзгиришлар ҳамда ифлосланишлардан муҳофаза қилиш зарур. Ландшафтларни муҳофаза қилиш деганда, биз унинг унсурларини иложи борича тоза сақлаш, ундаги мувозанатнинг бузилишига йўл қўймаслик, табиатнинг ажойиб жойларини табиий ҳолича сақлаб қолиш кабиларни тушунамиз.

Ландшафт ва унинг унсурларини турли шаклларда муҳофаза қилиш мумкин: ландшафтни бутун унсурларини тўла-тўқис муҳофаза қилиш, ландшафтни айрим ва ажойиб, диққатга сазовор жойларини муҳофаза қилиш зарур. Ландшафтни бутун унсурларини муҳофаза қилишда қўриқхоналарнинг аҳамияти катта. Қўриқхоналар бу табиат эталони бўлиб, Республика табиатини муҳофаза қилишида қуйидаги вазифаларни бажаради: республикаимизнинг маълум бир қисми ёки географик соҳа табиатининг барча унсурлари намунаси табиий ҳолича келажак авлод учун сақлаб қолинади [19,20]

Қўриқхона — табиати яхши сақланган жой ҳисобланиб, унда табиий ҳудудий комплексларнинг ривожланиш қонуниятини, ўзаро алоқасини, организм билан муҳит ўртасидаги муносабатлар илмий жиҳатдан ўрганиладиган табиий лабораториядир. Сони ва тури камайиб

бораётган ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиб, кўпайтириб, муҳофазаси билан шуғулланади. Қўриқхоналар орқали табиатнинг ажойиб жойлари кенг омма орасида намоён этилади ва табиатни муҳофаза қилиш зарурлиги тарғибот қилинади. Ўзбекистон ҳудудида тўқай, чўл ва тоғ ландшафт унсурларини муҳофаза қилиш ва у ердаги табиат унсурларини, хусусан ўсимлик ҳайвонларнинг ҳаётини чуқур ўрганиш, кўпайтириш мақсадида 10 та қўриқхона ташкил этилган. Бу қўриқхоналар ҳақидаги маълумотлар иловадаги жадвалларда берилган.

Республика ландшафтларини муҳофаза қилишда яна халқ боғлари, буюртмалар ва парваришхоналарнинг ҳам аҳамияти каттадир. Ўзбекистонда ҳозирча Зомин ва Угом Чотқол халқ боғи мавжуд. Республика буюртмалари, халқ парки ва парваришхоналар ҳақидаги маълумотлар ҳам иловадаги жадвалда берилган.

Ўзбекистондаги буюртмаларнинг асосий вазифаси ноёб ўсимлик, ҳайвон турларини ёки ажойиб табиатли жойларнинг йўқ бўлиб кетишидан асрайди, ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўпайиши учун шароит яратади. Буюртмалар ўзининг хусусиятига кўра вақтинча ва доимий бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ландшафтининг ажойиб, диққатга сазовор жойларини сақлаб қолишда табиат ёдгорликларини муҳофаза остига олиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки илмий, маданий, тарихий ва эстетик жиҳатидан қимматли, ажойиб, ноёб табиатли жойларни муҳофаза қилиб, сақлаб қолиш учун катта майдонни эгалловчи қўриқхона ва буюртмалар барпо этиш шарт эмас. Уларни майдони жуда кичик бўлган «табиат ёдгорликлари» сифатида сақлаб қолиб, муҳофаза қилиш мумкин.

Табиат ёдгорликлари деганда биз ғорларни, карстларни, шаршара ва шовваларни, ажойиб булоқ, жилға ва сойларни, дараларни, қояли релъеф шакллари, очилиб қолган ёткизликларни, тошқотган ҳайвонларни ва табиатнинг бошқа ажойиб жойларини тушунамиз.

Ўзбекистон ҳудудида 1000 га яқин табиат ёдгорликлари мавжуд. Лекин уларнинг кўпчилиги ҳисобга олинмаганлиги оқибатида ҳолати ёмонлашиб бормокда. Шу сабабли зудлик билан ҳар бир қишлоқ, туман, вилоят ҳудудида мавжуд бўлган табиат ёдгорликларини назорат остига олиш зарур.

Табиат ёдгорликлари хусусиятларига қараб геологик, палеонтологик, географик, археологик ва биологик турларга бўлинади. Геологик ёдгорликларга табиатда очилиб қолган тоғ жинслари, карстлар, ғорлар, иссиқ сувли минерал булоқлар қабиладир. Ўзбекистондаги Қилси (Қирқтоғда), Қорлуғ (Қўхитанг тоғида), Ҳазратилов (Зирабулоқ тоғида), Амир Темір ғорлари, Зарафшон тизмасидаги карстлар яққол мисолдир. Палеонтологик ёдгорликларга тошга айланган, лекин излари яхши сақланган ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари учрайдиган жойлар қабиладир.

Географик ёдгорликлари жуда кўп бўлиб, унга ажойиб қоялар, шаршара ва шоввалар, даралар, танглари, ажойиб булоқлар, хушманзара жойлар қабиладир. Бунга Илониқ (Амир Темур) дараси, Кўксув дарёсидаги шаршара, Нурота ва Ургутдаги булоқлар, Сурхондарёдаги Шеробод марзаси, Катта ва Кичик Чимён сойлиги, Оқтош сойлиги ва бошқалар қабиладир. Биологик ёдгорликларга ноёб, тури йўқолиб бораётган ўсимликлар, узоқ йил ўсаётган дарахтлар, тик ён бағирларда ва қумлар орасида сақланиб қолган ўсимликлар ва бошқалар қабиладир. Биологик ёдгорликларга Сурхондарё вилоятига қарашли Сайроб қишлоғидаги ёши 960 йиллик чинор, Бойсундаги Чорчинор, Ургут қишлоғидаги ёши 1014 йиллик Хўжа Чор Чинор, Хўжакентдаги ёши 600-700 йиллик чинор, Шофрикон атрофидаги саксовулзорлар мисол бўлади [9,10,11]

Археологик ёдгорликларга қадимги манзилгоҳ жойлар, қадимий шаҳар қолдиқлари, суғориш иншоотлари, қудуқлар, сардобалар, қоризлар, бандлар қабиладир. Бунга қадимий Варданзи, Варахша (Бухоро вилоятларида), Афросиёб харобаси, Кўхна Урганчдаги минора,

Сурхондарё вилоятида сақланган қадимий ёзув ва расмлари билан дунёга машҳур бўлган Зараёт камир ёдгорлиги, Нурота яқинида сақланган коризлар, чўллардаги сардобалар, Оқчоп сойлигидаги Абдуллахон банди (сув омбори) қолдиқлари яққол мисолдир.

Лекин, Ўзбекистон табиий ёдгорликларини ҳисобга олиш борасидаги ишлар яқин ўтмишда бошланди, бинобарин, бундан буён жамоатчилик кучи билан табиат ёдгорликларини ҳисобга олиб, уни географик тарқалиш харитасини тузиб, ҳимоя остига олиш зарур ҳисобланади. Шунингдек, ажойиб табиат ёдгорликларини ҳисобга олувчи Ўзбекистон «Кўк китоб»ини тузиш вақти келди.

Ўзбекистонда алоҳида муҳофаза остига олинган ҳудудлар текислик, тоғ олди ва тоғли районларда ташкил қилинган. Ушбу жойларда табиий ландшафтларни табиий ҳолда сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш қатъий ишлаб чиқилган дастурлар асосида олиб борилмоқда. Ушбу дастурлар асосида бажарилаётган ишларни Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва уларнинг вилоятлар, туманлардаги таркибий бўлинмалари назоратлари остида амалга оширилиб келинмоқда ва ривожлантирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ўтмишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ табиатни муҳофаза қонунчилиги такомиллаштирилмоқда. Атроф-муҳит соҳасига қатор стратегик ҳужжатлар, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларини қайта техник ислоҳ қилишга йўналтирилган ҳукумат қарорлари қабул қилинган ва улар амалга оширилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида республика бўйича экологик ҳолатнинг барқарорлашув тенденцияси кузатилмоқда. Барқарор ривожланиш хусусан, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун сув ресурсларининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг муҳофаза қилинадиган ҳудудларида сув ресурсларини комплекс бошқарув тизимини ривожлантиришга улардан

самарали фойдаланиш ҳамда сув таъминоти ва санитария масалалари бўйича халқаро даражада қабул қилинган мажбуриятларни бажаришга интиломда [18].

Табиий муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда республикамизнинг табиатни муҳофаза қилиш марказлари ва жойлардаги давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар маъсулиятини ошириш лозим. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва объектлар, сув, сувдан фойдаланиш, ер, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида чиқарилган қарорларни республика табиатини муҳофаза қилишга қаратилишини қатъий назоратга олиш мақсадга мувофиқдир [12].

1- расм

Зомин миллий боғидаги «Қирқ қиз» табиат ёдгорликлари



2.2. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экологик ҳолатини

ўрганиш муаммолари

Ўзбекистоннинг географик ўрни ва табиатининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги атроф муҳитни ва табиат бойликларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни авайлаб, эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тақозо қилади. Республика ҳудудининг океанлардан узоқда, Евросиё материги марказидаги тоғли, текислик зонасида жойлашганлиги ёғин миқдорининг, бинобарин, оқар сувларнинг кам бўлишига олиб келган. Шарқ ва жануби-шарқдан тоғлар билан ўралганлиги сув танқислигини бироз юмшатгани билан Ўзбекистоннинг геоэкологик берк ўлка бўлишига сабаб бўлган. Республиканинг айниқса, унинг ғарбий қисми геоэкологик жиҳатдан ноқулай ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи табиатга тарихан узоқ даврдан бери меҳр билан қарашга, уни асраб-авайлашга ўрганиб келган. Ўрта Осиё халқларининг ҳар йили нишонланадиган “Наврўз” байрами асрлар давомида она Ерға ва табиатга меҳр-муҳаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган; меҳнат тарбияси ва маънавий тарбияда муҳим аҳамият касб этган. Табиат билан инсоннинг ўзаро чамбарчас алоқасини, уларнинг бир бутунлигини ифодаловчи бу байрам деҳқончилик байрамигина эмас, балки том маънода геоэкологик байрам ҳамдир. Кишиларнинг табиатга, айниқса, унинг ёрқин ташқи ифодаси бўлмиш ўсимлик оламига бўлган муносабати ва меҳрини белгиловчи байрамлардан яна «гул байрами» ва «лола байрами»ни кўрсатиб ўтиш мумкин. Халқнинг соф геоэкологик мазмунга эга тарихий удумларидан яна бири «таганак»дир. Бу удумга кўра, тоғ ва тоғ этакларида яшовчи халқ эрта баҳорда йиғилиб, тоғ-тошдаги булоқлар кўзини очиб, жилғалар йўлини шох-шаббалардан, лойқалардан тозалайдилар.

Аҳолининг геоэкологик руҳда, яъни она табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялашда миллий бадиий адабиётнинг ҳам аҳамияти бениҳоя катта. Ўзбек халқининг мумтоз шоир

ва ёзувчилари, жумладан, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари геоэкологик мазмунга айниқса бойдир.

Халқ оғзаки ижодида, яъни халқ достонлари, эртак, мақол ва масалларда ҳам табиатни муҳофаза қилиш тарғиб этиб келинган. Улар ғоявий мазмунини аксарият турли хил ёввойи ва уй ҳайвонлари, айниқса, фойдали қушларнинг табиатдаги роли, инсонга дўст эканлиги, уларни муҳофаза қилишга даъват қилувчи туйғулар ташкил этади. Бу эса ҳозирги кунда экологиянинг бир бўлагини ташкил этади.

Инсонларни табиатни муҳофаза қилишга даъват қилувчи, соф геоэкологик мазмун касб этувчи яна бир манба ўзбек халқи ихлос билан эътиқод қиладиган ислом динида илгари сурилган илоҳий таълимот асосларидир. Ислом манбаларида диний эътиқод, ибодат, Еру осмон, фалакиёт ва атроф-муҳитдаги ҳолатлар тўғрисида жуда кўп қимматли маълумотлар келтирилган. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда атроф-муҳитни тоза сақлаш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни исроф этмаслик, инсоннинг яшаш тарзи, шахсий гигиенасига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашга, умуман, экология ва табиатни муҳофаза қилишга катта аҳамият берилган. Булар ўзбек халқининг тарихан шаклланган миллий тарбия асосларидир. Бунга мазмуни жуда кенг «увол» тушунчаси яққол мисолдир. Мусулмончиликда ҳар қандай моддий неъматдан исрофгарчилик билан фойдаланиш, табиат бойликлари–фойдали қазилмалар, сув, ер, ўсимлик ва ҳайвонларни нес-нобуд қилиш увол ва гуноҳ ҳисобланади.

Тарихий манбалардаги айрим маълумотларга кўра, Ўрта Осиёда ўрта асрлардан XIX-асрнинг ўрталаригача шаҳарларда раислик ёки муҳтасиблик лавозими бўлган. У шариат қонун-қоидаларига амал қилиниши, ҳокимият фармонларининг бажарилиши, бозордаги нарх-наволар устидан назорат этиш вазифалари билан бирга, табиатни муҳофаза қилиш устидан ҳам қаттиқ назорат ишларини олиб борган. Муҳтасиб қўл остидаги амалдорлари билан кўча ва бозорларни кўздан кечирган, ариқ ва

ховузлар, сой ва қудуқлардаги сувнинг сифатини, миқдорини ҳам назорат этган. Тарихда обикор деҳқончилик шароитида суғорув сувларидан оқилона ва адолатли фойдаланишда тўғонбоши ва мироблик лавозимларининг аҳамияти катта бўлган. Ижтимоий-иқтисодий омиллар каторида аҳоли сони ва зичлигининг, шаҳарлар сонининг тобора ортиб бориши, фан ва техниканинг ривожланиши, йирик иншоотлар қурилиши каби омиллар ҳам кўпинча табиатга салбий таъсир этган. Натижада Ўзбекистон ҳудудида табиатни муҳофаза қилишга бўлган эҳтиёж асрдан-асрга, йилдан-йилга кучая борди.

Ўтган асрда мустамлакачилик сиёсати табиат бойликларини аямасдан фойдаланишга йўл очиб берди. Арзон хом ашё базасига айланиб бораётган ўлкада табиатни муҳофаза қилишдан кўра, ундан имкони борича кўпроқ фойдаланиш сиёсати кучли эди. Шу сабабли, йилдан-йилга тупроқлар бузилиб, ишдан чиқа бошлади, тоғолди ҳудудларда ёнбағир эрозияси кучайди, ўрмонлар майдони камайиб, улар чегараси юқорига кўтарила борди. XX-аср бошларида табиатдан мустамлакачилик мақсадларида фойдаланишнинг кучайиши ва бу ерга Россиядан кўплаб аҳоли кўчириб келтирилиши натижасида инсоннинг табиатга салбий таъсири кучайиб, уни муҳофаза қилиш ҳаётий заруриятга айланди. Шўролар даврида индустриялаштириш ва қишлоқ хўжаликни коллективлаштиришнинг бошланиши ва амалга оширилиши ҳам табиатнинг инсон таъсиридаги салбий жараёнларини кучайтирди. 1920 йилда Музейлар ва санъат ёдгорликлари, табиатни муҳофаза қилиш Туркистон қўмитаси ташкил этилиб, унинг таркибида табиатни муҳофаза қилиш шўъбаси вужудга келди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейин Ўзбекистон ҳудудида табиат имкониятларини қатъий ҳисобга олмай катта-катта ер майдонлари қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилиб, Қизилқум, Мирзачўл, Ёзёвон чўли, Далварзин дашти, Шеробод ва Қарши даштларида воҳалар майдонининг орта борганлиги, кўплаб завод ва фабрикалар қурилиб, каналлар ўтказилганлиги, аҳоли зич янги шаҳар ва

шаҳарчалар бунёд этилганлиги, қишлоқ хўжалигини ортиқча кимёлаштиришнинг жадал ўсиши табиат ва атроф муҳитнинг бузилишига олиб келди. Собиқ иттифоқ мамлакатларининг бошқа ҳудудлари каби Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам табиатга ғайри геоэкологик ёндашув, яъни табиатдан фойдаланишда унинг бир бутунлиги, компонентлар мувозанати, динамик ўзгарувчанлиги, регионаллик каби қонуниятларига амал қилмай, чўл ва тоғларни ўзлаштиришда табиатга таъсир ўтказиш, она табиатни гўё «енгиш»га уриниш каби ҳолатлар жиддий салбий оқибатларга олиб келди. Натижада республика табиатининг барча компонентлари – тоғ жинслари ва рельеф шакллари, иқлим ва сувлари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланишдагина эмас, балки бир бутун ландшафтлар – чўллари, воҳалари, тоғ ва адирларидан фойдаланишда ҳам жиддий геоэкологик хатоларга йўл қўйилди. Табиатни тубдан ўзлаштиришга зўр бериб уриниш, чунончи, чўлланиш, яъни чўлга айланиш жараёнларининг кучайишида ҳам кўринди. Кўпгина ҳудудларда юз бера бошлаган геоэкологик инқирозлар илмий жамоатчиликни ташвишга сола бошлади ва ҳукуматнинг бу муаммоларга эътибор қилишини тақозо этди. 1959 йилда ўрмон хўжалиги ва дала ихота ўрмонлаштириш инспекцияси ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ов ишлари бошқармаси негизида “Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси” тузилди. Табиатнинг турли бойликлари муҳофазаси билан давлатнинг алоҳида идора хизматлари шуғуллана бошлади. Жумладан, сув ресурслари муҳофазаси билан сув хўжалиги вазирлиги, ер ресурслари муҳофазаси билан қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ердан фойдаланиш ва ер тузиш бошқармаси, атмосфера ҳавоси муҳофазаси билан Гидрометеорология хизматининг ташқи муҳитни муҳофаза қилиш бўлими шуғулланди.

XX-асрнинг 60-йиллари бошларида Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишга эҳтиёж янада кучайди. 1961 йил Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти ташкил этилди. 1970 йиллар саноат шаҳарлари

ва кончилик районларида атроф-муҳит ифлосланишининг кучайиши ҳамда обикор деҳқончилик шароитида сув ресурслари танқислигининг орта бориши долзарб геоэкологик муаммоларни юзага келтирди. 1978 йил бу муаммолар ва атроф муҳитнинг ифлосланиши устидан назорат қилиш Гидрометеорология бошқармасига юклатилди. Табиатни муҳофаза қилиш муаммолари билан Ўзбекистон фанлар академиясининг ботаника, зоология, тупроқшунослик ва агрокимё, иқтисод, геология институтлари, Республика санитария-гигиена ва касб касалликлари институти, университет ва бошқа институтлар шуғуллана бошладилар [2,3].

1980-йиларда атроф муҳитнинг геоэкологик ҳолати янада ёмонлашди, табиий бойликлардан нооқилона фойдаланиш оқибатлари яққол сезила бошлади. Натижада геоэкологик муаммолар ижтимоий тус олди. Ўтқир геоэкологик регионал муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, ҳукумат маҳаллий маъмурият ва кенг халқ оммаси эътиборини уларга қаратишда олимлар билан бирга шоир ва ёзувчилар, айниқса, публицистлар катта фаоллик кўрсатдилар. Улар ташаббуси билан Орол фонди ташкил этилди, Орол денгизини қутқариш ижтимоий кўмитаси тузилди. 1988 йилда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ташкил топди. Бироқ Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар табиий бойликлардан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қонунлари ўша давр сиёсий йўналиши талабларига мослаштирилган бўлиб, табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга етарлича жавоб бермас эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, табиат муҳофазаси муаммоларини жадал ва катта масъулият билан ҳал қилишда янги босқич бошланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» (50-модда), «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» (55-модда) деб

мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозирда Ўзбекистоннинг атроф муҳит ва табиат бойликларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга оид қонунчилиги 80 га яқин қонун ва қарорларни ўз ичига олади. Барқарор ривожланишнинг миллий стратегияси ва Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракатининг миллий режаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, шунингдек, чўлланишга қарши кураш ҳаракатлари миллий режаси ҳам тайёрланган. Эндиликда геоэкологик муаммолар ҳукуматнинг доимий назорати остида: бу борада илк муваффақиятлар қўлга киритилмоқда, қишлоқ хўжалиги ерларидан тобора оқилона фойдаланилмоқда, атроф муҳит ҳолати кўп шаҳар ва регионларда яхшиланмоқда, қазилма бойликларни нес-нобуд қилишга чек қўйилмоқда. 1991 йилда «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташкил этилган. Бу жамғарма Ўзбекистон ва умуман, бутун Марказий Осиё минтақаси геоэкологик ҳолатини яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга, аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилиш ва соғлом зурриётни сақлаб қолишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширади [1,2].

2.3. Муҳофаза қилинадиган табиий ландшафтлар ва улар фаолиятида

“Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги янги

қонуннинг ўрни

Маълумки, 2004 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинди. “Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунга биноан Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларга қуйдагилар киради:

1. Давлат қўриқхоналари;
2. Комплекс (ландшафтли) заказникалар;
3. Табиий боғлар;
4. Табиат ёдгорликлари;

5. Алоҳида табиат объектлари ва комплексларини муҳофаза қилиш, қайта ишлаб чиқариш ва тиклаш учун ҳудудлар;
6. Муҳофаза қилинадиган ландшафтлар;
7. Алоҳида табиий ресурсларини бошқариш учун ҳудудлар.

“Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунга биноан муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувни ҳукумат, жойларда давлат ҳокимияти органлари ҳамда махсус тайинланган давлат органлари амалга оширадilar.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш соҳасида давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва жойларда давлат ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади. Янги қонун қабул қилиниши билан уни янгилаш ва такомиллаштириш режалаштирилган. Республикада муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар яхлит бир тизимдан иборат бўлади, у охиروқибатда биологик хилма-хилликни узоқ вақт сақлаб қолишни таъминловчи узлуксиз экологик турга айланади.

“Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан сўнг кўп сонли объектларга – ўрмон хўжалик корхоналари ва овчилик хўжаликларига муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақоми берилди.

Бу қонун доирасида биосферик давлат резервати тушунчасини киритиш алоҳида аҳамиятга эга. Уларни ташкил этиш тартиб ва режими бизнинг қонунчилигимизда биринчи бор кўзда тутилади ва биосферик резерватлар бўйича ЮНЕСКО хужжатлари талабларига мос келади. Бу эса Ўзбекистон табиати ва табиий бойликларини ҳамда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни илмий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

“Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан қўриқхоналар, миллий боғлар билан бирга буюртмалар ҳам мана шундай алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга киради. Бугунги кунда Республикамизда 10 та буюртмалар мавжуд [14,17].

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси тассаруфида “Ҳисор қўриқхонаси” фаолият юритмоқда. Қўриқхона 1983 йилда, икки мустақил Мироки ва Қизилсув тоғ қўриқхоналарни бирлаштириш натижасида ташкил қилинган. Ҳисор қўриқхонасининг умумий майдони 80986 гектарни ташкил этади. У Ҳисор тизмаси шимоли-ғарбий тармоқлари табиий комплексларининг типик жойларини асл ҳолида сақлаб қолиш, улардаги табиий жараёнларнинг борлигини ўрганиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилган. Ҳисор давлат қўриқхонасининг ер майдони 4 та бўлимга ажратилган:

Ғилон бўлими – 18838 га

Мираки бўлими – 11821 га

Танҳоздарё бўлими – 20233 га

Қизилсув бўлими – 30094 га

Қўриқхонада ўрмонларининг аксарияти арчадан иборат. Умуман олганда қўриқхона ҳудудидаги ўсимликлар Марказий Осиё тоғларига хос бўлиб, таркиби бўйича турли-тумандир. Ҳисор қўриқхонаси ҳудудида ўсимликларнинг 870 дан ортиқ тури ўрганилган ва айримлари эндемик ҳисобланади. Қўриқхона ҳудудида Туберген лоласи, улуғ лола, Бобров астрагали, Ўзбекистон чиннигули, етмак, анзур пиёзи, Зарафшон арчаси ва бошқалар учрайди. Ўсимликларнинг 38 тури Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган. Ҳисор қўриқхонасининг ҳайвонот оламида 2 тур балиқ, 19 тур судралиб юрувчи ва амфибиялар, 103 тур қушлар, 28 тур сутэмизувчилар мавжуд. Қушлардан бургут, болтаютар, митти бургут, кумай, итолғи; сут эмизувчилардан қор қоплони, Туркистон силовсини, қўнғир айиқ ва Марказий Осиё қундузи “Қизил китоб”га киритилган. Қўш туёқлилардан

тўнғиз ва Сибирь тоғ эчкиси кенг тарқалган. Каклик деярли ҳар қадамда учрайди. Кемирувчилардан кизил суғур ва бошқалар ўтзорларда учрайди ва уларнинг асосий “душмани” - бўри ва тулки ҳам мавжуд.

Қизилсув бўлимидаги денгиз сатҳидан 4000 м дан юқори бўлган “Осмон-талаш” чўққиси энг баланд нуқта ҳисобланади. Ёдгорликлардан Тулkitўғай ота, Хўжагул ота зиёратгоҳлари, Амир Темур ғори (узунлиги 670 метр), динозаврлар изи, Бумни капчиғай, Хўкизбурун, Сувтушар ва Хўжакулбарс шаршаралари мавжуд. Ҳисор кўриқхонаси ЮНЕСКО Умумжаҳон табиий ва маданий мерос рўйхатига киритиш учун тақдим этилган.

Кўриқхона ўзига хос илмий-тадқиқот муассасаси бўлиб, унинг ходимлари кўриқхона ҳудудида браконьерлик ва табиатга нисбатан бошқа қонунга ҳилоф ишлар бажарилишининг олдини олиш йўлида тинмай меҳнат қилишмоқда [17].

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси тасарруфидаги “Жайрон” Экомаркази 1977 йилда ташкил этилган. У Бухоро шаҳридан жанубий-шарқ томон 40 кмга чўзилиб жойлашган. Майдони 7135 га бўлиб, улардан 5145 га тўр билан чегараланган. Экомарказнинг асосий мақсади насли ва тури йўқолиш арафасида турган, Табиатни Сақлаш Халқаро Иттифоқи (ТСХИ) “Қизил китоби”га киритилган жайрон, бухоро кўйи, бурама шоҳли эчки, морхўр ва Прежвальский отлари, қулонларни сақлаш, парваришlash ва кўпайтириш, ҳамда уларнинг биологиясини ўрганишдан иборат.

Экомарказнинг илмий маълумотларига кўра, бу ердаги чегараланган ҳудудда 28 та ўсимлик оиласига мансуб 200 дан зиёд ўсимлик турлари ўсади. Йил давомида марказ ҳудудида 257 турдаги қушларни учратиш мумкин. Бу эса Ўзбекистон орнитофаунасининг 37 % ташкил этади. Бу ҳудудда судралувчиларнинг 21 тури, бундан ташқари 33 турдаги сут эмизувчи, 2 турдаги амфибия ва 15 турдаги балиқлар яшайди. 2009 йил 3 октябргача бўлган ҳисоблар натижаларига кўра Экомарказ ҳудудида

жайронларнинг сони 902 тага, Прежвальский оти – 21тага, куланларнинг сони – 67 тага етган. Шунингдек, ҳозирги кунда Экомарказда кўпайтирилаётган бухоро кўйининг сони 10 етди. Экомарказ келажаги унинг ҳудудини кенгайтиришга боғлиқ. 2009 йил ҳолатига кўра унинг майдони 7135 га ни ташкил этган. Лекин, 2009 йил феврал ойида “Жайрон” Экомаркази ҳудудига 9369 га ер қўшилган. Энг муҳими «Жайрон» Экомарказда келажак авлод учун бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфига учраган ҳайвонларнинг ноёб турларини сақлаб қолишга муваффиқ бўлди ва Марказий Осиёда ноёб ҳайвонларнинг қирилиб кетишдан қутқариш марказига айланди [31,33].

Инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиши кейинги йилларда тора кўлами кенгайиб бормоқда. Буларнинг натижасида табиий ландшафтлар инсоният томонидан вужудга келтириладиган антропоген ландшафтларга айланмоқда, бу эса табиий ва антропоген омилларнинг ўзаро уйғунлашишига олиб келмоқда. Шу сабабли ҳам табиатдан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш чора- тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг географик жиҳатларини ўрганиш, амалиётга жорий қилиш муҳим саналади. Шу сабабли Ўзбекистондаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва уларнинг экологик шароитини ўрганишда миллий боғлар, кўриқхоналар, буюртмалар ва келажакда муҳофаза қилиниши лозим бўлган табиий ҳудудларни аниқлаш, уларнинг табиий шароитини ўрганиш ҳамда баҳолаш ишларини янада такомиллаштириш масалаларига кучлироқ эътибор қаратиш лозим. Келажакда табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишда илмий, техник, иқтисодий, ҳуқуқий ва тарбиявий жиҳатларини ўрганиш муҳим саналади.

Табиий ва илмий манбаларда кўрсатилишича, ўтган асрнинг бошларида Фарбий Тяньшан тоғ тизмаларида, Жанубий Ўзбекистоннинг Боботоғ, Кўхитантоғ, Бойсунтоғ, Ҳисор тизмаларида сони кескин камайиб кетган ҳайвонлардан илвирс, қоплон, Бухоро тоғ кўйи, кўксуғур, қизил

бўри, тяншан оқ тирноқли айиғи, йўл-йўл сиртлон, туркистон силовсини, тоғ қўйлари, қизилқум қўйи ва бошқаларни тез-тез учратиш мумкин эди. Эндиликда бу ҳайвонларнинг аксарият қисми қўриқхоналарда махсус кўпайтирилмоқда.

Ўзбекистон ҳайвонлари ўсимликлар каби, XX-асрнинг 2-ярмида муҳофазага муҳтож бўлиб қолди. Бунинг асосий сабаблари – аҳоли ўз хўжалиги билан барча зоналар ичига тобора чуқур кириб бориши, табиий ландшафтларнинг маданий ландшафтлар билан алмашилиши, ҳайвонлар экологик муҳитининг тобора ёмонлашуви ва нихоят, ҳайвонларни овлашнинг илмий асосланган тартибига қатъий риоя этмаслиқдир.

Ўтган асрнинг ўрталаригача кенг тарқалган қушлардан болтаютар, дашт лочини, пушти сақоқуш, бирқозон, жажжи оққуш, мармарчуррак, оқбош, ўрдак, бургутнинг тўрт тури, кумой, қиронқора, лочин, итолғи, бизғалдоқ жуда камайиб кетди. Кўплаб ҳайвонларнинг экологик макони бўлмиш текисликдаги тўқайларнинг ва тоғдаги ўрмонларнинг қисқариб кетиши ёввойи ҳайвонларнинг қирилиб кетишига олиб келди.

Ўлкадаги табиий экологик шароитнинг ёмонлашуви ва инсон омилининг бевосита таъсирида бир вақтлар табиатда эркин яшаган турон йўлбарси, қизил тулки, сиртлон, ҳачир каби ҳайвонлар бутунлай йўқолиб кетди. Ўрта Осиё қоплони, Олд Осиё қоплони, чипор сиртлон (пўлта), Устюрт қўйи, қора лайлак, тувалоқ, шипун оққуши, кум чарх илони, Ўрта Осиё кобриси, узундум бургут каби нодир ҳайвонлар бутунлай тугаб кетиш хавфи остида турибди. Устюрт қўйи, бурамашоҳ қўй (морхўр), Ўрта Осиё қундузи, оққуш, йўрға тувалоқ, куланбаур, чипор калтакесак каби ҳайвонларнинг ҳам тугаб кетиш хавфи кучли. Кейинги вақтда афғон майнасининг кўпайиб кетиши оқибатида булбул, қалдирғоч, читтак, ҳатто чумчуқлар ҳам анча камайиб кетди [23,35].

1997 йилда Ўзбекистонда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақида» қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги 139-сон

карори билан «Биологик ранг-барангликни сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Қизил китоби»га умуртқали ҳайвонларнинг нодир ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган жами 63 тури ва кенжа тури киритилган бўлиб, улар орасида 22 тур сутэмизувчи ҳайвон, 31 тур қуш, 5 тур судралиб юрувчи ҳайвон ва 5 тур балиқ мавжуд.

Қўриқхоналардан ташқари камайиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва тиклаш мақсадида 9 та буюртма қўриқхона барпо этилган. Булар Арнасой, Қоракўл, Сайғоқ, Судочье, Саримиш, Қоракир, Қарнобчўл, Қўшработ, Денгизкўл буюртма қўриқхоналар бўлиб, уларда қишлоғга учиб келувчи йирик қушлардан – ўрдак, ғоз, бирқозон, оққуш, сув қушларидан ўрдак, ғоз, қоровой, фламинго (қизилғоз) ҳимоя остига олинган.

Алоҳида экологик, тарихий ва нафосат аҳамиятига эга бўлган, шу билан бирга табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, илмий, маданий, маърифий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган алоҳида муҳофаза қилинадиган объектларни ўзида қамраб олган миллий боғлар ҳам ташкил этилган. Бундан миллий боғлар ҳозирча 2 та: Зомин миллий боғи (майдони 241,1 км²) билан Угом-Чотқол миллий боғи (5745,9 км²) ажойиб иқлимли серманзара ландшафтлари аҳолининг дам олиб, хордиқ чиқариши, спорт туризми машғулотлари билан шуғулланиши учун жуда қулайдир. Унда сийрак баргли тоғ ўрмонлари, бутазорлар, арчазорлар, субальп ўтлоқлари табиий комплекслари ва уларда яшайдиган ноёб ҳайвонлар муҳофаза қилинади, илмий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Табиатнинг ноёб, диққатга сазовор объектларига ғорлар, ажойиб шаклли қоялар, даралар, шаршаралар, ер қатламлари очилиб қолган жойлар, шаршаралар, ўзига хос булоқлар, катта ёшли дарахтлар киритилади. Табиатнинг бундай объектлари илмий, рекреация, туризм, саёҳат, нафосат мақсадларида ўрганилади ва муҳофаза қилинади. Табиатнинг гўзал, ранг-баранг, ҳаво ва суви мусаффо, табиати шифобахш

ландшафтлари ҳам махсус муҳофаза қилинади. Чунки бундай ландшафтларни асл ҳолида сақлаб қолиб, муҳофаза қилиш, улардаги табиий жараёнлар ва экологик мувозанатнинг вақт давомидаги қонуний ўзгаришларини тадқиқ қилиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республика ҳудудида 400 дан ортиқ табиат ёдгорлигини ҳисобга олган. Булардан 80 га яқини жонсиз табиат ёдгорликларидир. Жонсиз табиат ёдгорликлари орасида хилма-хил карст рельефи шакллари, шу жумладан, археологик аҳамиятга эга бўлган ғорлар ва унгурлар, шунингдек нодир булоқлар, шаршаралар, илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган қоялар ва геологик очилмаларни муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Сайробдаги қадимий чинор, Бойсундаги Чорчинор, одамларнинг қадимги аждоди топилган Тешиктош ғори, Хўжакентдаги қояга чизилган расмлар, Чинор, Амир Темур ғори, Қирққиз, Одамтош, «Диназаврлар жанги» қоялари ва бошқалар шулар жумласидан. Уларнинг бетакрор, сеҳрли ва мафтункор манзаралари жиддий муҳофазага муҳтождир [17,35,36].

II боб бўйича хулоса

1. Қўриқхоналар бу табиат эталони бўлиб, Республика табиатини муҳофаза қилишида қуйидаги вазифаларни бажаради: республикаимизнинг маълум бир қисми ёки географик пона табиатининг барча унсурлари намунаси табиий ҳолича келажак авлод учун сақлаб қолинади. Қўриқхона — табиати яхши сақланган жой ҳисобланиб, унда табиий ҳудудий комплексларнинг ривожланиш қонуниятини, ўзаро алоқасини, организм билан муҳит ўртасидаги муносабатлар илмий жиҳатдан ўрганиладиган табиий лабораториядир.

2. Ландшафт ва унинг унсурларини турли шаклларда муҳофаза қилиш мумкин: ландшафтнинг бутун унсурларини тўла-тўқис муҳофаза қилиш; ландшафтнинг айрим ва ажойиб, диққатга сазовор жойларини муҳофаза қилиш зарур.

3. Бугунги кунда Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган 20 дан ортиқ қонун, 350 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

4. Ўзбекистонда алоҳида муҳофаза остига олинган ҳудудлар текислик, тоғ олди ва тоғли районларда ташкил қилинган. Ушбу жойларда табиий ландшафтларни табиий ҳолда сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш қатъий ишлаб чиқилган дастурлар асосида олиб борилмоқда. Ушбу дастурлар асосида бажарилаётган ишларни Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва уларнинг вилоятлар, туманлардаги таркибий бўлинмалари назоратлари остида амалга оширилиб келинмоқда ва ривожлантирилмоқда.

5. Ҳозирги пайтда республикада қўриқланадиган ерларнинг умумий майдони 2 миллион гектардан ортиқ, алоҳида қўриқланадиган 11 табиий ҳудудий объект, жумладан 9 қўриқхона, 2 давлат миллий боғлари 400 дан ортиқ табиат ёдгорликлари мавжуд.

III. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИЙ ХУДУДЛАР ЭКОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ


3.1. Табiiй ҳудудларнинг экологик, ҳуқуқий фаолияти ва уларни яхшилаш усуллари

Маҳаллий, регионал ва миллий экологик хавфсизликни таъминлаш учун туман, вилоят ёки республика миқёсида экологик районлаштириш олиб борилади. Экологик районлаштиришда муайян ҳудудларни, уларнинг атроф табiiй муҳит ҳолати ва келажак истикболларига қараб бўлиб чиқилади.

Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар – тарихий-маданий, сиёсий ва экологик мақсадларни кўзлаган ҳолда давлатнинг алоҳида эътибори билан қўриқладиган ер майдонлари ва сув акваториялари бўлиш билан биргаликда муҳофаза қилинадиган табiiй ҳудудлар – экологик, маданий-соғломлаштириш, илмий, эстетик, рекреацион мақсадларни кўзлаб, давлат томонидан алоҳида эътибор билан қўриқладиган табiiй ҳудуд ва объектлар ҳисобланади.

Муҳофаза қилинадиган табiiй ҳудудлар ер майдонлари, ер қабри, сув кенгликлари, ўрмонлар ва миллий табiiй меросга кирувчи аниқ бир табiiй объектлар кириши мумкин. Улар нафақат ўзларининг табiiй хусусиятларининг ноёблиги, балки ўзга ҳудудларнинг экологик барқарорлигини таъминлашда ҳам катта аҳамият касб этади. Масалан, Чотқол — Угам тоғ тизмасида қўриқхоналарнинг ташкил этилишидан мақсад, ноёб табиат бойлигини сақлаш билан бир қаторда, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида яшовчи деярли 4 миллиондан ортиқ аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаб берувчи дарёларнинг тўйиниш манбаларини (қор ва музликлар, булоқлар ва чашмалар) сақлаб қолишдир [25,26].

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг хиллари ва турлари.



Ижтимоий-экологик хил — аҳолининг маданий-соғломлаштириш ва рекреацион мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкиллаштирилган, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ҳисобланади. Бу деган сўз, аҳолининг саломатлиги ва унинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини муайян ҳудудларда ижтимоий-экологик муҳофаза қилиш мақсадида, уларда алоҳида бир ҳуқуқий ҳолатни ташкил этиш тушунилади.

Кўриқхона-экологик хил — илмий, эстетик ва маданий-оқартув мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкиллаштирилган, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва объектлар ҳисобланади. Табиий меросни сақлаб қолиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, илмий ва репродуктив (қайта тиклаш) масалаларни ҳал қилиш, аҳолининг ўз гўзал ва бетакрор диёрига бўлган меҳрини уйғотиш, табиат гўзалликларидан баҳра олиш ва Ватанни севиш каби вазифаларни бажариш мақсадида ташкиллаштирилган ва алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган ҳудудлар ва табиат ёдгорликлари тушунилади.

Ўзбекистонда алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий жиҳатларида барча хилдаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларга хос бўлган ҳуқуқий қоидалар ва меъёрлар мавжуд. Ушбу ҳуқуқий нормалар 2005 йил 3 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган “Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, Табиатни муҳофаза қилиш, Сув ва сувдан фойдаланиш, Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунлар, Ер, Жиноят, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Меҳнат кодекслари каби ўнлаб қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солинади. Барча Экология ҳуқуқи манбаларининг асосий мақсади ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий талабларини

қондирувчи қимматли табиат мажмуаларини ва ёдгорликларини ҳуқуқий муҳофаза қилишдир [4,6].

Қонуннинг 5-моддасига кўра Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг белгиланган мақсади ва режимига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- давлат қўриқхоналари;
- мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари;
- табиат боғлари;
- давлат табиат ёдгорликлари;
- айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар;
- муҳофаза қилинадиган ландшафтлар;
- айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар.

Ўзбекистонда Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд ва объектлар давлат мулкидир ва унинг муҳофазасидадир. Ер участкалари ва бошқа табиий объектлар хусусий буюртма қўриқхоналар ҳамда табиий питомниклар ташкил этиш учун юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер кодексининг 8-моддасига биноан муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ерлари алоҳида бир ер тоифасига ажратилади. Солиқ кодексининг 101-моддаси 3-бандига кўра, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар — давлат қўриқхоналари, миллий ва ботаника боғлари, буюртма қўриқхоналар (ов қилишга мўлжалланган буюртмалардан ташқари), табиат ёдгорликлари, ихота дарахтзорлари ер участкалари ер солиғидан озод қилинади. Уларда белгиланган мақсаддан ташқари барча фаолият тақиқланади. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда фойда олиш мақсадида хўжалик фаолияти юритиладиган бўлса, у ҳолда ер солиғи ва ижара ҳақи ундириб олинади.

1999 йил 20 августдаги «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг IV бобига мувофиқ, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда фавқулодда вазиятлар (сув тошқини, zilзила, кўчиш ва ҳ.к.) рўй берган тақдирда, уларнинг ҳуқуқий ҳолатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, махсус ваколатланган вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар ва идоралар амалга оширадилар. Давлат назоратини эса Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси олиб боради.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар уларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош схемаси ёки Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуа схемасига мувофиқ барпо этилади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ушбу тасдиқланиш тегишли ер майдонини захиралаш (ажратиш) тўғрисидаги қарор қабул қилинишига асос бўла олади. Захираланган ер майдонида хўжалик фаолияти тўхтатилади ёки чекланади [1,35].

“Давлат кадастрлари тўғрисида” ги қонуннинг 5-моддасига кўра, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар давлат кадастрларининг ягона тизимида туради. Уни юритиш тартиби 1998 йил 10 мартда Вазирлар Маҳкамасининг 109-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ ўтказилади. Ушбу кадастрда алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми, географик жойланиши, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, экологик, илмий, маърифий ва бошқа хил аҳамияти тўғрисидаги, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Тегишли давлат кадастри Геодезия, картография ва давлат

кадастрлари бош бошқармаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси билан биргаликда амалга оширилади.

Ўзини ўзи бошқарув идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни йўлга қўйишда, экологик, маърифий, маданий тадбирларни ўтказишда давлат органларига ҳамкорлик қилишлари кўзда тутилиши лозим.

Муҳофаза қилинадиган ижтимоий-экологик вазифаларни бажарувчи ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолатида шуни таъкидлаш лозимки, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ижтимоий-экологик хили, фуқароларни бехатар атроф табиий муҳитни юзага келтириш орқали, уларнинг бевосита экологик ҳуқуқларини таъминлаб беради. Уларга — табиат боғлари (курорт табиий ҳудудлар, табиий соғломлаштириш ҳудудлари, рекреацион ва ҳимоя тегралар, дендрология, ҳайвонот ва ботаника боғлари киради.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг 24—25-моддаларига биноан, Ўзбекистонда курорт табиий ҳудудларга инсонларни даволаш ва саломатлигини тиклаш хусусиятларига, минерал манбаларга, даволовчи балчиқ қатламларига, қулай иқлим шароитлари ва бошқа табиий шарт-шароитларга эга бўлган зоналар киради. Улар маҳаллий ёки республика аҳамиятига молик бўлиши мумкин. Маҳаллий аҳамиятга молик курортлар маҳаллий давлат ҳокимиятининг Касаба уюшмалар федерацияси кенгаши ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан қабул қилинган қарори асосида ташкил этилади. Республика аҳамиятига молик курортлар Вазирлар Маҳкамаси, Республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан ташкил этилади.

Табиий соғломлаштириш ҳудуди уч хил бўлади:

- 1) даволаш хусусиятига эга бўлган манбалар;
- 2) санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари;
- 3) санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйлари атрофидаги (туташ) ҳудудлар.

Даволаш хусусиятига эга бўлган иссиқ ва минерал сув манбалари ҳамда балчиқ қатламлари бор жойларда ҳар қандай хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланади. Уларда фақатгина даволашни таъминлаб берувчи иншоотлар куриш мумкин, холос. Санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйлари теграларида уларни ташкил этиш ва фаолият юритишдан бошқа хўжалик фаолияти тақиқланади. Бу ерда тиббиёт ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари бошқа аҳолининг яшаши ман этилади. Улар атрофидаги ҳудудларда даволаш манбаларига ва атроф-муҳитга зарарли таъсир этмайдиган фаолият юритишга рухсат этилади.

Рекреация тегралари — туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай географик ва иқлим шароитларига эга ҳудудлар. Рекреация тегралари маҳаллий давлат ҳокимияти Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномасига биноан қабул қилинган қарор орқали ташкил этилади. Уларда туризм ва аҳолининг дам олишига ҳалақит бермайдиган, чекланган тарздаги, хўжалик фаолияти юритишга рухсат этилади.

Ботаника боғи — ўсимлик термалари (коллекциялари)ни тузиш, тўлдириш ва асраш, илмий, ўқув-таълим ишларини олиб бориш йўли билан маҳаллий ва жаҳон миқёсидаги ўсимликлар мажмуаларининг нодир ва муайян туркумга хос турларини махсус яратилган шароитда асраш, ўрганиш, иқлимлаштириш, кўпайтириш ҳамда улардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилган боғ ҳисобланади. Масалан, Тошкент ботаника боғи илмий-тадқиқот муассаса ҳисобланади. У республикада ягона ботаника боғи бўлиб, унда 1647 турдаги Шарқий Осиё, Узоқ Шарқ, Шимолий Америка, Қрим-Кавказ, Ўрта Осиёга хос ўсимликлар 40 гектардан ошиқ майдонда жойлаштирилган.

Дендрология боғи — илмий, маданий, рекреация ва бошқа йўсинда ғоят самарали фойдаланиш учун дарахтлар, буталарнинг ҳар хил турларини ҳамда улардан таркиб топган дарахтзор ва бутазорларни махсус яратилган шароитда асраш, ўрганиш мақсадида ташкил этилган боғдир. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган дендрология боғи илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Ҳайвонот боғи — экологик таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, ҳайвонларнинг нодир экзотик ва маҳаллий турлари экспозицияларини яратиш, уларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, ёввойи ҳайвонларни ўрганиш ҳамда уларни тутқунликда кўпайтиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган боғ ҳисобланади. Умумдавлат аҳамиятига молик ҳайвонот боғи маданий-маърифий йўналишдаги табиатни муҳофаза қилиш муассасаси ҳисобланади. Ҳайвонот боғида ҳайвонларнинг кўчма экспозицияларини ташкил этиш, жониворларни озуқа билан таъминлаш учун ёрдамчи хўжаликлар барпо этишга рухсат берилади. Ўзбекистонда Тошкент ва Термиз ҳайвонот боғлари мавжуд. Пойтахтдаги ҳайвонот боғида 124 турдаги ҳайвонот дунёсининг турлари сақланмоқда [33,35].

Қўриқхона — экологик вазифаларни бажарувчи муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий ҳолати ўрганилганда, асосан қўриқхона-экологик вазифаларни ўтовчи алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга — қўриқхоналар, миллий боғлар, буюртма қўриқхоналар (заказниклар), табиат ёдгорликлари, қўриқланма (оралиқ) тегралар киради. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг II бўлимига мувофиқ, уларда аксарият ишлар давлат томонидан молиялаштирилган тарзда олиб борилса, «давлат» сўзи қўшиб ишлатилади. Шунингдек, қўриқхона — оддий ва ноёб табиий мажмуалар, ўсимликлар ҳамда ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва

ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадидаги илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда қўриқхоналар давлат тассаруфида тургани учун ҳам “Давлат қўриқхоналари” деб ном олган. Ўзбекистон Республикаси Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Қонуннинг III бўлим 18—20-моддаларига мувофиқ табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишнинг қаттиқ режимига эга бўлган, типик экологик тизимлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш ҳамда ўрганиш учун мўлжалланган, умумдавлат аҳамиятига молик муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар давлат қўриқхоналари ҳисобланади. Давлат қўриқхоналари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиати муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот муассасаси шаклида ташкил этилади. Улар бундай қўриқхоналар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

Давлат қўриқхоналарининг ҳудуди тўлиқ ва бир умрга хўжалик фаолияти юритишдан тортиб олинади ҳамда доимий фойдаланиш учун муассасаларга бепул берилади. Қўриқхона ер фондини ижарага бериш тақиқланади. Улар Ўзбекистонда махсус экологик функцияларни бажаргани учун давлат тасарруфида туради.

Давлат қўриқхоналари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади. Уни бошқариш эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган давлат органлари орқали амалга оширилади. Қўриқхона қайси идоранинг тасарруфида бўлишидан қатъи назар, шу идора Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади [31,40].

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфида — Чотқол тоғ-ўрмон биосфера қўриқхонаси (Тошкент вилоятида), Ҳисор тоғ-арча

қўриқхонаси (Қашқадарё вилоятида). Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тасарруфида Зомин тоғ-арча (Жиззах вилоятида), Бадай-тўқай текислик-тўқай (Қорақалпоғистон Республикасида), Қизилқум қумли-тўқай (Бухоро ва Хоразм вилоятларида), Зарафшон текислик-тўқай (Самарқанд вилоятида), Нурота тоғ-ёнғоқзор (Жиззах вилоятида), Сурхон тоғ-ўрмон (Сурхондарё вилоятида) қўриқхоналари ҳамда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тасарруфида — Китоб геологик қўриқхонаси фаолият юритмоқда [17,18].

Давлат қўриқхоналари юридик шахс мақомидаги давлат муассасаларидан ҳисобланиб, уларнинг маблағлари давлат бюджетидан, ташқари, илмий, маданий-маърифий, реклама-ноширлик, ундириб олинган зарар ва жарима пулларидан, фуқаро ва юридик (жумладан, хорижий) шахсларнинг беғараз ёрдамларидан ва бошқа хил тушум ва йиғимлардан иборат бўлиши мумкин. Қўриқхона ҳудудларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўпайтириш, кўчириб келтириш ва иқлимлаштириш тақиқланади. Қўриқхоналарда илмий ишларни олиб боришга рухсат берилади. Уларда илмий институтларга хос бўлган барча фаолият тури ўз Низомларига мувофиқ равишда олиб борилади. Лекин «Табиат солномаси»ни юритиш мажбурий ҳисобланади.

Биосфера қўриқхонаси ўзига хос бошқарув функциясига эга бўлган қўриқхона ҳисобланади. Чунки, унда Ер қурраси бўйича кишилар хўжалик ва бошқа фаолиятларини ЮНЕСКОнинг дастурига асосан атроф-муҳитга бўлган таъсирини ўрганиш ва уни кузатиб бориш (глобал мониторинг юритиш)га оид вазифалар бажарилади. Биосфера қўриқхонасида халқаро стандартларга мос равишда учта зона — қўриқхона ядроси, буфер (муҳофаза) теграси ва халқаро кузатиш шохобчаларига эга бўлган биосфера полигони бўлиши талаб этилади. Биосфера қўриқхонаси — қўриқхонанинг бир тури бўлиб, улардаги барча ишлар халқаро ҳуқуқ норма талаблари даражасида олиб борилади [26,27].

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг 44-моддасида Биосфера қўриқхонаси ўрнига “Давлат биосфера резерватлари” киритилган. Улар — биологик хилма-хилликни сақлаш, табиий объектлар ва мажмуалардан оқилона фойдаланиш учун ташкил этилади. Давлат биосфера резерватлари халқаро биосфера резерватлари тармоғига қўшилиши ва атроф табиий муҳитнинг глобал мониторингида иштирок этиши мумкин. Давлат биосфера резерватлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Давлат биосфера резерватларининг ҳудудлари давлат биосфера резерватларига фойдаланишга бериладиган ер участкаларида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат биосфера резерватлари чегаралари доирасидаги ер участкаларида жойлашади.

Давлат биосфера резерватлари ҳудудида қуйидагилар ажратиб қўйилади:

- табиий объектлар ва мажмуаларни асл ҳолатида сақлаб қолиш учун мўлжалланган, давлат қўриқхоналари учун назарда тутилган режимли қўриқхонага айлантирилган зона;

- табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган, қўриқхонага айлантирилган зонага салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланадиган оралиқ зона;

- давлат биосфера резерватларининг табиий объектлари ва мажмуаларига зарар етказмайдиган хўжалик мақсадидаги ва бошқа тарздаги фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган зона.

Давлат биосфера резерватларининг режими бундай резерватлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади.

Чотқол тоғ-ўрмон биосфера қўриқхонаси (резервати) 1947 йил ташкил этилган бўлиб, у Марказий Осиё табиатининг энг гўзал масканларидан

бири бўлиб, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 262-сонли “Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси тўғрисидаги низомларни, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжалиги корхоналари уставларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган Низом асосида ташкиллаштирилади.

Миллий боғ — табиатни муҳофаза қилиш муассасаси бўлиб, улар алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, маърифий-маданий, илмий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган табиий мажмуадир.

Миллий боғлар юридик шахс мақомида фаолият олиб боровчи муассаса бўлиб, у ҳам давлат бюджетидан ва ўз мақомига кўра юргизилаётган рекреация, туризм-экскурсия, реклама-ноширлик каби даромадлардан ҳамда турли йўсиндаги бегараз ёрдам пулларидан йиғилган маблағлар ҳисобига ўз моддий базасини шакллантиради. Ўзбекистонда давлат миллий боғлари янги таҳрирдаги Қонунга мувофиқ табиат боғлари деб юритилади. Ушбу Қонуннинг 23-моддасига биноан уларни ташкил этишдан мақсад – алоҳида экологик, маданий ва эстетик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги, рекреация, илмий ва маданий бойликларни сақлаб қолиш ҳамда улардан фойдаланишдан иборат.

Табиат боғлари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил қилинадиган миллий табиат боғлари ва маҳаллий аҳамиятга молик табиат боғларига бўлинади.

Табиат боғлари бундай боғлар тўғрисидаги, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу давлат органлари томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида фаолият кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси тўғрисидаги

низомларни, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжалиги корхоналари уставларини тасдиқлаш ҳақида» 2009 йил 26 январдаги 20-сонли қарори билан 2001 йил 22 июндаги 262-сонли қарори билан тасдиқланган низом ва уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди [35].

Қонуннинг 24-моддасига кўра табиат боғлари таркибида — кўриқхона тегралари, рекреация, хўжалик ва ўзга йўсиндаги фойдаланиш ҳамда курорт зоналари бўлиши мумкин. Лекин табиат боғида унинг мақсадини бажаришга зид бўлган ва экологик ҳолатини ёмонлаштирувчи барча фаолият тури тақиқланади. Тегишли вазифаларни бажариш учун керак бўладиган йўл ва иншоотлар қуриш, хизмат кўрсатиш инфраструктурасини ташкил этиш фаолияти экологик экспертизадан ўтган тақдирда рухсат этилади.

Ўзбекистонда Зомин ва Угом — Чотқол миллий боғлари фаолият юритмоқда. Халқаро табиатни сақлаш кенгашининг (IUCN) таснифига кўра, миллий боғлар 2-даражали муҳофаза зоналарига киритилган.

Буюртма кўриқхоналар доимий ва вақтинчалик бўлади. Уларни ташкил этиш Вазирлар Маҳкамаси (республика аҳамиятига моликлари) ва Вилоят ҳокими (маҳаллий аҳамиятга моликлари) қарори билан амалга оширилади.

Буюртма кўриқхона — табиатнинг айрим таркибий қисмлари, яъни ўсимлик, ҳайвонлар ва қушлар ёки табиатнинг айрим бўлаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуддир.

Буюртма кўриқхоналар уларнинг мақсади ва қўйилган вазифаларни бажаришига қараб:

- алоҳида қимматга эга бўлган табиий ландшафтлар ва мажмуаларни асраш ва тиклаш учун мўлжалланган ландшафт;
- жонсиз табиатнинг қимматли объектлари ва мажмуаларини асраб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё);

- қимматли, нодир ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва жониворлар турларини асраб қолиш ва тиклаш учун мўлжалланган *биологик* (ботаник ва зоологик);

- айрим қазилма бойликлар ва уларнинг мажмуини асраб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик;

- табиий келиб чиққан нодир ноёб ва нодир рельеф шакллари асраб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик;

- нодир геологик ва минералогик ҳосилалар ва тузилмаларни асраб қолиш учун мўлжалланган геологик турларга ажратилади ва уларга тегишли ҳуқуқий мақом берилади.

Буюртма кўриқхоналар ташкил этилган ҳудудларда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўз ҳуқуқларини вақтинчалик тўхтатиб турадилар. Ҳудуддаги ташкилот, муассаса ва корхоналар буюртма кўриқхона талабларига риоя этишлари шарт. Унинг иш тартиби Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамаси ёки вилоят ҳокими тасдиқлаган Низом асосида олиб борилади.

Ҳозирда Ўзбекистонда 10 та давлат буюртмахонаси мавжуд бўлиб, улардан Арнасой (Жиззах вилоятида) Сайгачий, Судочье, Нуробод (Самарқанд вилояти), Қорақир (Бухоро вилоятида), Муборак (Қашқадарё вилояти), Оқтоғ (Навоий вилояти), Қарнобчўл (Навоий вилояти), Қўшрабод (Самарқанд вилояти), Денгизкўл (Бухоро вилоятида) Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидадир.

Табиат ёдгорликлари — экологик, илмий, эстетик, маданий жихатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган объектлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг 27-моддасига биноан табиий объектларни давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилиш махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг

илтимосномаси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилинади. Табиий объектларни улар жойлашган ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилишга йўл қўйилади. Қонуннинг 28-моддасига кўра давлат табиат ёдгорликлари ҳудудида уларнинг асралишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади. Давлат табиат ёдгорликлари қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар зиммасига бундай ёдгорликларнинг режимини таъминлаш мажбуриятлари юклатилади. Диний мақсадларда фойдаланиладиган давлат табиат ёдгорликлари диний ташкилотларга ёки жисмоний шахсларга бундай ёдгорликларни ободонлаштириш ва асраш ишларини амалга ошириш шарти билан фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин [32,36].

Ўзбекистонда табиат ёдгорликлари (Мингбулоқ, Чуст, Ёзёвон, Марказий Фарғона, Янгибозор) бор-йўғи 35 км² майдонда жойлашган бўлиб, улар Табиатни муҳофаза қилиш, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси каби давлат идораларининг тизимида туради. Табиат ёдгорликлари жумласига ноёб кўринишдаги тошлар, ландшафтлар, дарахтлар, буталар, шаршара каби табиий объектлар киради.

Иқтисодий-экологик вазифаларни бажарувчи алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ҳуқуқий ҳолатида иқтисодий-экологик характердаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларга сувни муҳофаза қилиш, қўриқланма (оралиқ), балиқ хўжалиги, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари(зоналари) киради.

Ўзбекистон Республикаси Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг 8 қисмига кўра сувни муҳофаза қилиш зоналари - муҳофаза қилинадиган ландшафтлар турига киритилган.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари - дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ҳамда бошқа сув объектларининг ўзанларига туташ сувларни муҳофаза қилиш ҳудудлари киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чучук ер ости сувлари ҳосил бўладиган зоналарга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида”ги 2002 йил 16 январдаги 23-сонли қарорига мувофиқ мамлакатимизда барча сув объектларига ҳудди ана шундай мақом берилди. Шунинг учун вилоятлар доирасида катта сув объектлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари қабул қилинди: “Тошкент вилоятида ва Тошкент шаҳрида Чирчиқ дарёсининг сувни муҳофаза қилиш зонаси ва қирғоқбўйи полосасини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 471-сонли қарори; “Сурхондарё вилоятидаги Сурхондарё дарёсининг сувни муҳофаза қилиш зонасини ва қирғоқбўйи полосасини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15-сонли қарори; “Андижон ва Наманган вилоятларида Қорадарёнинг сувни муҳофаза қилиш зонасини ва соҳилбўйи полосасини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 178-сонли қарори ва ҳакоза [5,6].

Ушбу иқтисодий-экологик вазифаларни ўтовчи ҳудудларни ташкил этишдан мақсад, юқорида санаб ўтилган, гидрографик объектларни ифлосланишдан, булқанишдан, саёзланишдан, лойқаланишидан, нурашдан ҳамда энг мақбул сув маромини (режимини) сақлаб туришдан иборат.

Сувни муҳофаза қилиш минтақаларининг иш тартиби ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралар (дарё увалари, оқизикли адирлар, тоғ ён бағрининг этаклари)га ҳам таълуқлидир. Уларнинг ҳуқуқий ҳолати Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғидан ўтган табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идораларининг тақдимига биноан белгиланган тартибда ўрнатилади. Масалан,

Сирдарё, Амударё, Зарафшон каби халқаро сув объектларини муҳофаза қилиш теграларининг ҳуқуқий ҳолати манфаатдор давлатлар ўртасида тузилган шартномалар асосида ўрнатилади.

Аҳоли пунктлари ер фондида ер тузиш ва ерларни текислаш чоҚида сув объектларини муҳофаза қилиш тегралари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари билан келишиб олиниши талаб этилади.

Сувларни муҳофаза қилиш минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати алоҳида сув объектлари ёки сув ҳавзалари бўйича умумлаштирилган тарзда белгиланади. Сувни муҳофаза қилиш теграларида хўжалик фаолиятини юритиш қатъий чекланади, аҳоли пунктларида эса санитария муҳофазаси минтақаси белгилаб олинади ва унда ҳам сувга салбий таъсир кўрсатувчи хўжалик фаолияти юритиш тақиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 401-сонли «Зарафшон дарёси сув ҳавзасида экологик ва санитар-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу дарё атрофида жойлашган аҳоли пунктларининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган.

Сувни муҳофаза қилиш теграларида Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг 40-моддасига биноан сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари ифлосланиш, булғаниш, саёзланишнинг ҳамда сув объектлари тупроқ эрозияси маҳсуллари бўлмиш лойқа билан тўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек энг мақбул сув режимини сақлаб туриш учун ташкил этилади.

Қаттиқ режимга асосланган сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасидаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар соҳил бўйи минтақалари ҳисобланади. Ичимлик, маиший ва даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектларига туташ, қаттиқ режим асосидаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳисобланади. Дарёларнинг уваларида, ёйилма конусларда, тоғ ёнбағирларининг

этакларида ташкил қилинадиган, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари ҳисобланади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари тегишинча табиатни муҳофаза қилиш, кишлоқ ва сув хўжалиги, санитария назорати органларининг, геология ташкилотларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Қўриқланма (оралиқ) ёки буфер зоналар — ижтимоий-экологик ва қўриқхона-экологик турдаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларга табиий техноген жараёнларнинг салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида ташкиллаштирилган ҳудудлар. Уларда хўжалик фаолиятини қай тартибда олиб бориш, уларга қайси бир минтақаларнинг кириши Табиатни муҳофаза қилиш давлат идоралари билан келишилган ҳолда, марказий ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасдиқига биноан ўрнатилади. Ушбу тартиб қўриқхона, буюртма қўриқхона, табиат миллий боғи, табиат ёдгорликлари ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ўзга табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда ўрнатилади.

Балиқ хўжалиги зоналари — нодир ва йўқолиб кетаётган балиқ турлари ҳамда бошқа сув ҳайвонларини муҳофаза этиш ва кўпайтириш мақсадида, шунингдек, балиқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектлари ёки уларнинг бир қисми. Уларнинг ҳуқуқий ҳолати табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идораларининг тақдимига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади. Мазкур теграларда ҳам балиқ хўжалигини юритишга зид бўлган барча хўжалик фаолиятини юритиш ман этилади.

2002 йил 16 январь Вазирлар Маҳкамасининг 23-сонли «Ер ости чучук сув манбалари ҳосил бўлиш теграларига алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд мақомини бериш тўғрисида»ги қарори ер ости сувларини

ҳосил бўлиш жойлари бўлган дарё водийлари, конус-винослар, тоғ олди шлейфларини алоҳида ҳуқуқий мақомини белгилади. Лекин ушбу алоҳида муҳофаза этиш объекти қонун билан алоҳида эътироф этилмаган. Дунё тажрибаси эса бундай ҳуқуқий ҳаракатларни маъқуллайди ва айниқса, иссиқ иқлими, сув муаммоси кескин бўлган минтақалар учун бу масала ўта долзарбдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти микёсида ер ости чучук сувларни муҳофаза қилиш ҳудудлари Чирчиқ — Оҳангарон (Тошкент вилояти), Чимён — Аували, Сўх (Фарғона вилояти), Норин (Наманган вилояти), Ош — Араван (Андижон вилояти), Китоб — Шаҳрисабз (Қашқадарё вилояти), Зарафшон (Самарқанд вилояти) дарё ҳавзалари бўйича ўрнатилиб олинган. Республика бўйича ер-ости сувларини муҳофаза қилиш теграларининг сони 19 тага етди. Улардан 11 тасига республика, 8 тасига маҳаллий аҳамиятга молик муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тавсия этилди.

Ўрмонларнинг тақиқланган зоналари — бағоят қимматли ва нодир ўсимликлар турларининг ирсий фондини муҳофаза этиш ва сақлаб қолиш, шунингдек, ўрмон фонди майдонларида кўриқхоналар, миллий боқлар ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ўзга табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъминлаш мақсадида ташкиллаштирилган ҳудудлар

Ўрмонларнинг муҳофаза қилиш зоналарининг ҳуқуқий мақоми маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги идораларининг тақдимида биноан белгиланади.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларга доир муносабатлар билан боғлиқ низолар умумий суд ёки хўжалик судларида кўриб чиқилади. Улардаги алоҳида бир табиий объектларга оид низолар тегишли махсус қонунларда белгиланган тартибда ҳал этилади. [35].

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг иш тартиби бузилганда, унинг ким томонидан, қандай ҳолларда ва келтирилган зиённинг катта-кичиклиги, ижтимоий хавфлилигига қараб интизомий, фуқаровий,

маъмурий ва жиноий жазо қўлланилиши мумкин. Хукукбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонуннинг 49-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ҳолатига зарарли таъсир кўрсатаётган корхона, ташкилот, цех, қурилмаларнинг фаолияти, то ушбу зарарли оқибатлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилади ёки чеклаб қўйилади. Агарда ушбу зарарли фаолиятни бартараф этиш имконияти бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолияти тўхтатилади.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри республика бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган ягона тизим асосида юритилади. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини юритишни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда амалга оширадилар.

Хуллас, "Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ҳукуқий ҳолатини" қуйидаги хусусиятлари мавжуд.

1) У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қўйган талабига мослиги, конституциявий устиворликка эга эканлиги ҳамда давлат томонидан муҳофаза этилиши;

2) Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ҳукуқий ҳолатини ўрганиш ва у тўғрисидаги қонун давлат қўриқхоналари, давлат миллий табиат боғлари, давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган ўзга табиий ҳудудлар ва бошқа масалаларни ҳамда у билан боғлиқ барча муносабатларни ҳукуқий жиҳатдан тартибга солиши билан;

3) У янги ижтимоий тузум, бозор муносабатларини мустаҳкамлаш ва экологик сиёсатни барқарорлаштириш учун янги ҳукуқий экологик замин бўлиб, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни муҳофаза

қилиш ҳамда уларни ҳуқуқий тартибга солишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши билан;

4) Мазкур соҳани ҳуқуқий тартибга солиш бозор иқтисодиётида қабул қилинган экологик қонунларни қўллаш ва улар билан биргаликда экологик муҳитни яхшилашга, табиат объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга, айниқса, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни сақлашга;

5) Ушбу соҳа фуқароларимиздан шу кунги ҳаёт талаби асосида экологик ҳуқуқий маънавият ва маданиятли бўлишни, ҳамда ушбу йўналишда доим юксалиш бўлишини тақозо қилиши ва бошқа хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради [26,27].

Атроф муҳитнинг бугунги ҳолати ва уни муҳофаза қилиш муаммоси жуда долзарб эканлиги ҳаммага маълум. “Иқтисодиёт асри” деб ном олган ўтган асрдан фарқли равишда жорий XXI аср жаҳон ҳамжамияти томонидан “Атроф муҳит асри” деб номланганлиги ҳам инсонлар онгида экологик кадрятларнинг қанчалик ўзгарганлигидан далолат беради. Ресурсларни тежайдиган технологиялар, энергиянинг муқобил турлари ва умуман атроф муҳитни муҳофаза қилиш ғоясини қамраб олган мавзуларга асосий эътибор қаратилади. Экологик туризм барқарор табиатдан фойдаланишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Экотуризм асосида экологик барқарор муҳитни сақлаш ва саёҳат уюштирилган жойларни барқарор ҳозирги кунда дунёда жадал суръатларда ривожланиб бораётган иқтисодиёт соҳаларидан бири туризм ҳисобланади. Экотуризм табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини тўла-тўқис амалга оширишга катта ҳисса қўшади ҳамда сезиларли молиявий кўмак беради.

Ҳозирги пайтда туризм оқими ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга томон ўзгармоқда. Бу ўринда туристик бозорнинг деярли ярмини қамраб олган Осиё, Тинч океани, Яқин ва Ўрта шарқ ҳамда Ғарбий Африка минтақаларидаги мамлакатлар етакчилик қилмоқда. Ривожланиб бораётган мамлакатларнинг туризм индустрияси

асосан экологик туризм ҳисобига амалга оширилмоқда. Экспертларнинг маълумотларига қараганда экотуризм сайёҳлик бозорининг 10-20% ини камраб олган, ўсиш суръати эса умумий туризм индустриясининг ўсиш суръатидан 2-3 маротаба ошиб кетган. Айни пайтда, жаҳон туризми саноатида халқаро туризмдан тушган даромад автомобил, нефт-газ ишлаб чиқариш саноатидан кейин 3-ўринни эгаллайди, пўлат қуйиш электроника, кишлоқ хўжалиги саноатларидан эса устун туради. Республикамизда нафақат дунёга машҳур, чет эл сайёҳларини жалб қилувчи Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз каби қадимий шаҳарлар, тарихий ёдгорликлар, балки шу билан бирга, экотуризм билан боғлиқ бетакрор гўзал табиати, ландшафтлар (сахро, чўл-адирлар, тоғлар, паст текисликлар) хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, нодир, дунё аҳамиятига эга бўлган археологик топилмалар, палеонтологик қолдиқлар, дунёда кам учрайдиган геологик кесмалар, жами 800 дан ортиқ табиий ёдгорликлар мавжуд ва улар алоҳида муҳофаза остига олинганлиги билан ҳам долзарбдир.

Ўзбекистон 38 млн гектардан ортиқ бўлган овчилик-балиқчилик ер майдонларига эга. Улардан 1.0 млн гектарини сув фонди яъни кўллар, дарёлар, сув омборлари ташкил этади. Республикамиз фаунаси 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 424 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юрувчилар ва 83 балиқ турларига эга. Улардан Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га ўтхўр ҳайвонларнинг 24 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури ва 78 турдаги умуртқасизлар киритилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 4100 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Улардан 3000 дан ортиқ турлари олий ёввойи ўсувчи ўсимликлар, улардан 9 % эндемиклардир. Ўзбекистон ҳудудининг муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар 2164 км² майдонни ташкил этган 9 та давлат қўриқхонаси, 6061 км² ташкил этган 2 та миллий боғ ва ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни кўпайтириш Республика маркази (Жайрон «Экомаркази»), 12186 км² майдонни ташкил

этган 9 та давлат буйуртмахоналари мавжуд. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 км², ёки Ўзбекистон ҳудудининг 5,2 % ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Сингапур Республикасига Давлат ташрифи арафасида шу мамлакатнинг марказий нашрларидан бири “TODAY” (“Bugun”) газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида Ўзбекистонда экологик туризмнинг катта салоҳиятга эга эканлигини эканлигини таъкидланган ҳолда, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни келтирадилар: "Гўзал географик ва табиий шароитлар Республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир. Бу борада мамлакатнинг тоғли ҳудудларида жойлашган, замонавий жихозланган сайёҳлик мажмуаларида қишки ва ноёб сайёҳлик дастурлари ташкил этилган. Сайёҳликнинг янги йўналиши йирик қўриқхоналар ва боғлар ҳудудида ташкил этилган табиатшунослик туризми ривожланмоқда. Экотуризмга берилган таърифга яна бир қарра тўхталадиган бўлсак, Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (ТМКХИ) томонидан қўйидагича таъриф берилган: “Экологик туризм ёки экотуризм – табиат муҳитга нисбатан маъсулият билан саёҳат қилиш, табиат ҳудудларига зиён етказмаган ҳолда ўрганиш, ҳамда табиатнинг бетакрор жалб этувчи жойларидан завқ олиш мақсадида табиатни муҳофаза қилишга кўмаклашади, атроф-муҳитга “юмшоқ” таъсир этади, маҳаллий халқнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини фаоллаштиради ва шу фаолиятдан уларнинг имтиёзлар олишини таъминлайди”-деб ҳисоблайди.

Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиши, нафақат маънавий илм-фан, маданият, маърифат, табиатни муҳофаза қилиш, экотуристларни ОНА табиатимизга жалб этиш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш муаммоларини ҳал қилишга, балки шу билан бирга иқтисодий масалаларни-маҳаллий халқнинг ижтимоий шароитини яхшилаш, уларни янги иш жойлари билан таъминлаш, ҳамда Ватанимизнинг валюта захирасининг бойишига катта ҳисса қўшади. Бу

ўринда Республикамизда ташкил қилинган алоҳида муҳофаза қилинган ҳудудларнинг ўрни алоҳидадир. Чунки, бу ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш имкониятлари юқори ва табиатни муҳофаза қилишдаги ўрн т беқийслигини аниқ кўрсатиб бериш мумкин [13].

3.2. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экологиясига география таълимида эътибор

Инсон табиат билан ҳамиша узвий алоқадорликда яшайди. Унинг ҳаётини табиатдан, табиий бойликлардан алоҳида ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас.

Табиатда инсон ҳаёти ва жамият тараққиёти учун зарур бўлмаган ва муҳим аҳамият касб этмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Нафас олинадиган ҳаво, ичиладиган сув, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган табиий захиралар-нефть, газ, ёқилғи, ҳар хил маъданлар бўлмаса, инсон яшай олмайди. Ишлаб чиқариш куролларини яратиш, моддий ва маънавий бойликларни, илм-фан, маданият, маънавият ва маърифатни юксалтириш учун керак бўладиган жамики табиий бойликларни одамзот табиатдан олади. Табиат инсон учун табиий бойликлар манбаидир. У табиат моддий бойликларининг биринчи манбаи сифатида ҳам, сиҳат-саломатлик, шод-хуррамлик, маънавий-руҳий баркамолликнинг асоси сифатида ҳам ўзининг ғоят зўр аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Юртбошимиз И. Каримовнинг **«Она заминимиз-бойлигимизнинг, мустақиллигимизнинг ва гўзал келажакка ишончимизнинг асосий манбаидир¹**, - деган сўзларида жуда катта илмий-фалсафий мазмун бор.

Табиат ўзининг саховатини, ноз-неъматини инсондан аямайди. Бундай қараганда, табиат, она-замин –инсон учун гўёки бир муқаддас бешик, бамисоли она кучоғидир. Ер жамики бойликларнинг, ноз-неъматларнинг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам одамзод уни бениҳоя улуғлаб, эъзозлаб, она-замин деб таърифлайди.

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 277-бет.

Табиатни севиш, сув, тупроқ ва ҳавони эъзозлаш, уларни пок ва бутун сақлашга даъват этиш, ўзи ўсиб улғайган заминни, атроф-муҳитни юксак эътиқод билан ардоқлаш ҳар бир инсоннинг бурчидир. **«Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Ўрта Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аجدодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрлаб келинган».**²

Ер сув билан барҳаёт бўлганидек, одамзод табиат билан тирик. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Табиатга меҳр одамнинг гўдаклигидан бошланиб, қалбига синга бошлайди ва бу жараён умрбод давом этади. Табиатга меҳри кучли бўлган одамнинг эл-улусга, миллати ва халқиға, Ватанига меҳр-муҳаббати юксак бўлади. Қалбида меҳр-шафқат, раҳмдиллик сингари юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар устуворлик қиладиган одамлар табиатдаги ҳар бир нарса ва ҳодисага, тирик ва жонсиз нарсаларга оқилона муносабатда бўлади, меҳнати, ақл-идрок ва тафаккурини эзгуликка, савоб ишларга бағишлайди.

Аجدодларидан, ота-боболаридан рисоладагидек йўл-йўриқ, таълим-тарбия олган кишиларда табиатга меҳр-муҳаббат тамомила бошқача бўлади. Табиатга меҳри ёшлигиданоқ кучли бўлган одам она-заминга ўзгача кўз билан қарайди.

Табиат билан жамият, шунингдек, табиат тарихи билан инсоният тарихи бир-бири билан узвий боғлиқ. Инсон ва жамият – табиатнинг ажралмас бир таркибий қисми. Инсон табиатнинг шунчаки бир қисми эмас, балки унинг ақл-идрокли ва фаол таркибий бўлаги, онгли мавжудотдир.

Одамзод доимо табиат қўйнида фаолият кўрсатади, у билан узликсиз муносабатда бўлади. Бу фаолият оқилона ташкил этилмаса ва у билан муносабат тўғри ўрнатилмаса, инсон ўзи ва табиат учун муаммолар

² Ислом Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 145-бет.

келтириб чиқаради. Мазкур муоммалардан бири атроф муҳит муҳофазаси ва экологик муаммодир.

Президентимиз И.А.Каримов экологик муаммо тўғрисида сўз юритиб, **“экологик ҳафсизлик муоммаси аллақочонлар миллий ва минтакавий доирадан чиқиб, бутун инсониятининг умумий муоммасига айланган”** деган эди. Бу ерда экологик маъсулиятининг умуминсоний характерга эга эканлиги таъкидланмоқда ҳақиқатдан бизнинг замонамизда ердаги ҳаётнинг ўзини ҳалокат балосидан қутқариш учун умрининг бағишласанг арзийди. Шунинг учун ҳам мактаб география фани табиий ва иқтисодий-ижтимоий қисмлардан иборат бўлганлиги учун унда табиат ва жамиятдаги барча экологик муаммолар мужассамлашган. Мазкур муаммолар табиий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда уларни ўзаро таъсири натижасида шаклланади ва ривожланади. Экологик муаммолардан таълим жараёнида фойдаланишнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиб уларни келиб чиқишларига кўра гуруҳларга бўлиш мумкин.

- Табиий географик муаммолар
- Ижтимоий-иқтисодий географик муаммолар
- Геоэкологик муаммолар

Табиатни муҳофаза қилиш муаммолари инсоният тарихи давомида жамиятга таъсир этган экологик муоммалардан бири бўлиб келган ва бу ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Табиат бойликлардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда умумий ўрта таълими муассаларининг педогогик жамоаси муҳим роль ўйнайди. Умумий ўрта таълим муассаларининг ўқитувчиларининг вазифаси нафақат ўқувчилар бўлажак касб-ҳунар эгалари мутахассисларга таълим-тарбия бериш, балки уларнинг экологик онги ва маданиятини юксалтириш, табиат бойликларини асраш, табиатни муҳофаза қилишга бўлган маънавий эҳтиёжларини ривожлантириш шунингдек фан ютуқларини техника ва илғор тажрибаларни табиатни

муҳофаза этиш фаолиятига тадбиқ этишларига амалий ёрдам кўрсатишдир. Сув ва ҳавонинг софлиги ер ва унинг ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан география фани ўқитувчисининг табиатга нисбатан ўқувчилар қалбида қай даражада муҳаббат уйғота олгани, уларни қанчалик тежамкорлик ва оқилона ҳўжалик юритишга ўргата олганига боғлиқдир [23,24,30,31].

Буларнинг ҳаммасини ўқитувчи география фанида ҳам таълимий ҳам тарбиявий экологик муамоларини ҳар битта мавзуда ўқувчиларга тушунтириб бериши керак.

Ўзбекистон экологик сиёсати - жамиятимиз ва шахсларнинг табиатга, атроф-муҳитга таъсири билан боғланган чора-тадбир тизими бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқилган экологик стратегия билан барқарор ривожланиш мақсади ва вазифаларига эришиш усулларининг йиғиндиси ҳисобланади. Мазкур экологик стратегия минтақамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш борасидаги аниқ имкониятлар ва уларга эришиш борасида назарда тутилган мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади.

Аслида у ёки бу даражадаги ижтимоий-экологик вазиятни соф табиий-тарихий жараён сифатида баҳолаш ёки фақат битта омилга боғлаб қўйиш ўринли эмас. Агар бу муаммолар иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий омилларнинг диалектик бирлигида таҳлил қилинса, ноқулай ижтимоий-экологик ҳолатларга сабаб бўладиган муҳим омиллардан яна бири – шахс ва жамиятда экологик онг ва маданият етарли даражада шаклланмаганлиги маълум бўлади. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, республикаимизда экология, атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсадларга эришиш учун ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги 212-сонли

карорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «2008-2012 йилларда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида экология ва барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасидаги маърифий тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари дастури» ишлаб чиқилиб, республикамізда экология, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги ислохотларга кўмаклашиш тамойилларига асосланган ҳолда экологик маърифий (таълимий ва тарбиявий) дастурлар амалга оширилмоқда.

Мазкур экологик маърифий дастурлар республикамізда инсон (жамият) билан атроф-муҳит (табиат) ўртасидаги ўзаро муносабатларни ижтимоий-экологик мувозанат ва барқарор тараққиёт нуқтаи назаридан юқори даражада мақбуллаштириш мақсадида кафолатли соғлом турмуш тарзи, юқори экологик маданият ва атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни таркиб топтиришнинг тубдан янги касбий-педагогик тизимини вужудга келтиришга асосланган. Зеро, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги экологик маърифий жараёнлар бўлғуси мутахассисларда таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ касбий экологик таълим ва тарбия воситасида экологик маданиятни самарали ривожлантириш ва шакллантиришга йўналтирилган, яъни:

Бу борада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида самарали, илғор педагогик тажрибалар тўпланмоқда, бироқ ўз ечимини кутаётган илмий-педагогик муаммолар ҳам вужудга келган:

1. Таълим муассасасида қандай мутахассислар тайёрлашдан қатъий назар мазкур муассасада амалга ошириладиган экологик маърифат мазмунида унга таъсир кўрсатувчи омиллар ва тамойилларни аниқ ҳисобга олиш. Бунинг учун жамиятда шаклланган ижтимоий-экологик тажриба, бўлғуси мутахассислар билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатлар, таълим муассасасининг ўзига хос мутахассислар тайёрлаш ҳамда

«ўқитувчи (муаллим) – талаба (ўқувчи)» тизимлари таҳлилидан келиб чиқилиши лозим.

2. Таълим муассасасида амалга ошириладиган геоэкологик маърифат мазмунида ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштириладиган ижтимоий-экологик тажриба таркибини аниқ танлаш ва белгилаш. Бунинг учун ўқув режалари, ўқув дастурлари ва малакавий амалиётлар мазмунидаги геоэкологик билимлар (тушунчалар) ва кўникмалар (амаллар) тизимини ўқув фанлари ва эгалланаётган мутахассисликнинг ўзига хос касбий хусусиятидан келиб чиқилган ҳолда қайта кўриб чиқиш; ўқувчи-талабаларнинг шахсий экологик, касбий экологик ва нокасбий экологик фаолияти тузилишини мазмунан ишлаб чиқиш; уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятида ижодий экологик фаолият ҳамда атроф-муҳитга ҳиссий-қадриятли муносабатлар тажрибасини ривожлантириш назарда тутилиши лозим.

3. Таълим муассасаларининг барча ўқув-услугий мажмуаларида экологик маърифат мазмунини тўлиқ акс эттириш. Бунинг учун ДТС, ўқув режалари, ўқув фанлари ва амалиёт дастурлари мазмунан қайта кўриб чиқилиб, амалдаги ўқув-услугий мажмуалар мазмунини мумкин қадар геоэкологиялаштириш ёки ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича махсус географик - экологик ўқув-услугий мажмуа (ЭЎУВ) яратилиши лозим.

4. Таълим муассасасининг педагогик фаолиятида геоэкологик маърифат мазмунини рўёбга чиқариш. Бунинг учун экологик маърифатнинг самарали ташкилий шакллари (модулли, муаммоли, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, махсус маърузалар, семинарлар, тренинглар, анжуманлар, учрашувлар, кечалар, суҳбатлар, экскурсиялар, дала амалиётлари, экология сўқмоқлари, мустақил ишлар, ва ҳ.к.), методлари ва воситаларини амалиётга жорий этиш кўзда тутилиши зарур.

5. Экология, табиатдан фойдаланиш ва экологик маърифат илмини барқарор ривожланиш нуқтаи назаридан йўлга қўйиш. Бунинг учун

экология, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муаммоларининг умумфалсафий (инсон, табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги ва бирлиги; атроф-муҳитнинг шахс ва жамият тараққиётига, шахс ва жамиятнинг атроф-муҳитга таъсири; табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш методологияси ва ҳ.к.), табиатдан фойдаланиш (табиатдан эстетик, иқтисодий, саломатликни сақлаш ва қайта тиклаш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш) ва педагогик, психологик, методик жиҳатлари атроф-муҳитга антропоген таъсирлар (тахдидлар), экологик хавфсизлик, барқарор ривожланишнинг асосий тамойилларига таянилган ҳолда илмий тадқиқ этилиши зарур [41].

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида юқорида таъкидланган йўналишлар бўйича табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик маърифий ишларни ташкил этиш ўқувчи-талабаларнинг касбий-экологик тайёргарлик даражасини оширишга, уларда замонавий экологик маданият савиясини шакллантиришга имконият яратади. Зеро, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш, ўқувчи-талабаларнинг экологик таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, битирувчиларга кўйилган умумий талабларда экологик маданиятга эгаллик - касбий фаолиятда экологик масъулиятни ҳис қилиш, табиат муҳофазаси соҳасидаги билимларга эга бўлиш алоҳида таъкидланган.

Педагогик тажриба синов ишларининг бориши ва таҳлил натижалари

Тажрибани бошлашдан аввал Тошкент Давлат Педагогика Университетидаги “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедрасининг бир қатор профессор ўқитувчилари билан ушбу кўргазмалардан фойдаланиш муаммоси муҳокама қилинди.

Диссертация мавзуси бўйича ўтказилган эксперимент режаси:

1.Экспремент ўтказиладиган сана;

2. Экспремент ўтказиладиган мавзуни аниқлаб олиш;
3. Экспремент ўтказиладиган синфларни танлаб олиш;
4. Экспрементни амалга ошириш;
5. Экспремент натижаларини текшириш учун тест ўтказиш;
6. Натижаларни таҳлил қилиш.

Диссертация мавзуси бўйича ўтказилган экспремент натижалари.

Экспремент ўтказиладиган сана 19.12.2012 йил.

Диссертация мавзуси бўйича Экспремент Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 250- умумий ўрта таълим мактабининг 7- синфларига ўтказилди. Экспремент “Ўрта Осиё табиий географияси” дарслигининг “Ўзбекистоннинг ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, тупроқлари, сув бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш” маввуси юзасидан ўтказилди. Экспремент ўтказилгач натижаларни олиш учун “Ўзбекистоннинг ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, тупроқлари, сув бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш”мавзулари юзасидан 20 та тест тузилди.

Юқоридаги мавзулар янги педагогик технологиялардан, кўргазмали куроллардан фойдаланилган ҳолда 7 “А” га ўтилди. 7 “Б” синфга эса мавзулар одатдагидек маъруза тарзида тушинтирилди.

7 “А” ва 7 “Б” синф ўқувчилари мавзу доирасидаги эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида ҳар икки синфдан ҳам 20 та тест олинди. Тест текширилиб натижалар олинганда 7 “ А” ва 7 “Б” синф ўқувчилари эгаллаган БКМ даражаси фарқланди.

Натижалар қўйидагича:

Қатнашган ўқувчилар сони: 7”А” синфда жами 24 та ўқувчи; 7”Б”синфда жами 25 та ўқувчи. Олинган натижаларга кўра 7 “А” синф 78%ни, 7 “Б” синф эса 66%ни берди.

Синфлар	90-100 балл	80-89 балл	70-79 балл	60-69 балл	50-59 балл	50 баллдан паст.
7 “А”						

Экспремент гуруҳи.	1	11	10	2	-	-
7 “Б” Назорат гуруҳи.	-	-	13	9	2	-

III боб бўйича хулоса

1. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар – экологик, маданий-соғломлаштириш, илмий, эстетик, рекреацион мақсадларни кўзлаб, давлатнинг алоҳида эътибори билан қўриқланадиган табиий ҳудуд ва объектлардир.
2. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ижтимоий-экологик хили, фуқароларни бехатар атроф табиий муҳитни юзага келтириш орқали, уларнинг бевосита экологик ҳуқуқларини таъминлаб беради. Уларга — табиат боғлари (курорт табиий ҳудудлар, табиий соғломлаштириш ҳудудлари, рекреацион ва ҳимоя тегралар, дендрология, ҳайвонот ва ботаника боғлари) киради.
3. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош схемаси ёки Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуа схемасига мувофиқ барпо этилади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.
4. Табиат бойликлардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда умумий ўрта таълими муассаларининг педогогик жамоаси муҳим роль ўйнайди.
5. Ўзбекистон экологик сиёсати - жамиятимиз ва шахсларнинг табиатга, атроф-муҳитга таъсири билан боғланган чора-тадбир тизими бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқилган экологик стратегия билан барқарор ривожланиш мақсади ва вазифаларига эришиш усуллариининг йиғиндиси ҳисобланади.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Ўзбекистонда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг географик жиҳатларини ўрганиш натижасида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистоннинг табиий географик ўрни ва унда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг географик жойлашуви ўрганилди.
2. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар географиясини ўрганиш назарияси атрофлича тадқиқ қилинди.
3. “Экоҳаракат” нодавлат нотижорат ташкилотининг табиатни муҳофаза қилишдаги ҳамда аҳолининг экологик билимларини оширишдаги ўрни аниқланди.
4. Республикамиз табиатини муҳофаза қилишда миллий боғлар, кўрикхоналар, буюртмаларнинг ўрни ва аҳамияти атрофлича ўрганилди.
5. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экологик ҳолатини ўрганишнинг тарихий даврлари тадқиқ қилинди.
6. Муҳофаза қилинадиган табиий ландшафтлар ва улар фаолиятида “Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги янги қонуннинг ўрни атрофлича очиқ берилди.
7. Республикамиздаги муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг экологик, ҳуқуқий фаолияти ва уларни яхшилаш усуллари таклиф қилинди.
8. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва уларнинг экологик фаолиятига география таълимида эътибор ва улардан фойдаланиш даражаси тадқиқ қилинди. Унда ўрта махсус таълим тизимида умумтаълим фанлари билан биргаликда “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Атроф-муҳит муҳофазаси” каби фанларни киритиш лозим. Олий таълим тизимида эса 5110500-“География ўқитиш методикаси” таълим

йўналишида “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” фанининг дарс соатларини янада кўпайтириш ҳамда “Табиатни муҳофаза қилиш” таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси / Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон. 1992 – 49 б
2. Ўзбекистон Республикасининг “ Таълим тўғрисида” ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт матбаа – концерни. 1997. Б.- 20- 29
3. Ўзбекистон Республикасининг “ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт матбаа –консерни. 1997. Б.- 31- 61
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 октябрь 1998 йилдаги 455 –сонли «Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисидаги» қарори.
- 5.Каримов И.А. “Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан фойдаланиш – бош йўлимиз”. Т.: “Ўзбекистон”. 1997.- 95б.
- 6.Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. – Т.: “Ўзбекистон” 1997 й. -86-88б.
- 7.Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”.- Т.: “ Ўзбекистон” 2010. -4б.
- 8.Абдулкасимов А.А. Вопросы классификации антропогенных ландшафтов Среднее Азии. Научные записки Воронежского отдела географии, об-ва СССР. Изд-во ВГУ, Воронеж, 1966, С.26-30.

- 9.Алибеков Л.А. – Ландшафтларни муҳофаза қилиш. Тошкент, «Фан», 1985.
- 10.Алибеков Л.А., Нишонов С.А. “Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш” –Т.: “Ўқитувчи” 1982.-78-89б.
- 11.Алибеков Л.А., Нишонов С.А. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш. Т., “Ўқитувчи”, 1983-269.
- 12.Алимқулов Н., Эшова Ч. “Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган ҳудудларни ўрганишнинг географик жиҳатлари”. Замонавий ижтимоий-иқтисодий география: ютуқлар, муаммолар ва истикболлар. –Т.: 27-28 март 2013. 166-168 б.
- 13.Алимқулов Н., Эшова Ч. “Экотуризмни ривожлантиришда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ўрни”. Ўзбекистон географияси: табиати, аҳолиси, хўжалиги. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси. –Т.: 2013. 73-75б.
- 14.Баратов П. “Ўзбекистон табиий географияси” – Т.: “Ўқитувчи” 1996 йил. -48-59б.
- 15.Баратов П.Б., Маматқулов М., Рафиқов А. “Ўрта Осиё табиий географияси”. -Т. «Ўқитувчи», 2002. -218б.
- 16.Баратов П. “Табиатни муҳофаза қилиш”. – Т.: “Ўқитувчи”. 1997. -132б
- 17.Воҳидов Ю. Айдар-Арнасой кўллари тизимининг экологик муҳитга таъсири.(Создание систем рационального использования поверхностных и подземных вод бассейна Аральского моря). ГИДРОИНГЕО., Экология хабарномаси №5,6., Т., 2001, 45-47 бет.
- 18.Государственный комитет республики Узбекистан по охране природы. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан.Т., 2012. 166С.
- 19.Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Т.,”Университет”, 1998. -60б.
- 20.Зокиров Ш.С. Кичик ҳудудлар географияси. Т., “Университет”, 1999.

-1206.

21.Закиров К.З. – Флора и растительность бассейна реки Зарафшан. Часть 1. Изд. АН Руз. Ташкент, 1955.

22.Исаченко А.Г. Ландшафтно-географические основы рационального использования, преобразования и охраны природной среды. – В сб: “Человек и среда обитания”. Л., 1974.

23.Исаченко А.Г. О так называемых антропогенных ландшафтах. – “Изв. ВГО”, 1974., т. 106., вып.№1.

24.Куракова Л.И. Антропогенные ландшафты. Издат. Московского университета. 1976.

25.Низомов А., Арзикулов Х., Алимкулов Н. Жанубий-ғарбий Ўзбекистонда карст булоқлари географияси ва уларнинг экологик аҳволи. Экология хабарномаси. Ўз.Р. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ахборот таҳлилий ва илмий-амалий журнали.Т.2004. №3.

26.Ниғматов А. “Ўзбекистон Республикасининг Экология ҳуқуқи” –Т. “ТДЮИ” 2004.-48-85-91б.

27.Ниғматов А., Пардаев Ф. “Экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш” –Т. “Арфа принт”. 2005. -12-18б.

28. Нишонов А.С. Особенности ландшафтов, природные ресурсы арыдных областей и пути их рационального использования. Т.,”Фан”, 1984.-102.

29.Рафиқов А.А. Природно-мелиоративная оценка земель Голодной степи. Т., Изд-во ”Фан”, 1976.

30.Рафиқов А.А. “Геоэкология асослари”. – Т.: “ЎзМУ”. 2000. -128б.

31.Рафиқов А.А. “Геоэкологик муаммолар”. – Т.: “Ўқитувчи”. 1997. -134б.

32.Рациональное использование природных ресурсов и охрана окружающей среды. Под. Редакц. В.Ф.Худолея.М., “Прогресс”, 1979. С. 223.

33.Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот давлат институти ва ер кадастри, дала тадқиқот маълумотлари. 2010-2012йил.

- 34.Тўхтаев А., Ҳамидов А. “Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш” –Т.: “Ўқитувчи” 1994.-56б.
- 35.Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик палатаси “Экоҳаракат” депутатлар гуруҳи “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари” қўмитаси маълумотлари. –Т.: 2012-2013.
- 36.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.- Т.: “ЎзМЭ нашриёти” 12 жилд. 2000 й.
- 37.Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотлари. 2010-2012 йиллар.
- 38.Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси. Республикада суғориладиган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар. -Т., 2011.
- 39.Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси аграр сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг мажлиси қарорлари. 13.12.2012 й.
- 40.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «2008-2012 йилларда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида экология ва барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасидаги маърифий тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари дастури». –Т.: 2012.
- 41.Ходжиматов А.Н., Расулова И, Алимкулов Н.Р. Стратегия улучшения ландшафто-экологического состояния орошаемых земель (Тезисы докладов шестнадцатого международного Плехановского чтения). М.,2003., С.517-518.
- 42.Қодиров Э.В., Шерматов М.Ш., Акбаров Х.А., Мавлонов Э.В. ва бошқалар “Табиий муҳитни муҳофазалашнинг геоэкологик асослари” –Т.: “Ўзбекистон” 1999. -82б.
43. Ҳамидов А. “Ўсимликлар географияси” –Т “Ўқитувчи” 1984. -45б.
- 44.Чибилев А.А. Экологическая оптимизация степных ландшафтов. Екатеринбург., Наука., 1992.

45. Чупахин В.М., Андришин М.В. Ландшафты и землеустройства. -М., Агропромиздат., 1989.С.225.
46. Фуломов П., Ваҳобов Ҳ., Ҳасанов А. – Туркистон табиий географияси. Т.: «Ўқитувчи», 1997.
47. Фуломов П., Ҳасанов И., - Ўрта Осиё табиий географияси. Ташкент, Университет 2002 й.
48. www.unep.org. БМТнинг атроф муҳит бўйича дастури.
49. www.who.dk. БМТнинг бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.\
50. www.advantour.com.
51. www.alleng.ru/edu/geogr.htm.
52. eduportal.uz/rus/info/geog/.
53. www.geografia.ru/
54. www.edunet.uz/media/e-resource/section.php?IBLOCK_ID.
55. megamedia.uz/geografiya/
56. mountains.uz/geografiya
57. ebiblioteka.uz/index.php/e-books/621-tarix.html
58. history.uzsci.net/Avref/Isoqov.pdf
59. forum.ziyouz.com
60. lex.uz. **geografiya**
61. www.ziyouz.net

Таянч сўзлар лугати

Ўзбекча	Русча	Инглизча
Антропоген ходиса	Явление антропогенное	Anthropogenic phenomenon
Антропоген омил	Антропогенный фактор	Anthropogenic factor
Атроф мухит (ёки унинг компонентлари)	Оценка состояния окружающей среды	Anthropogenic emmissions
Антропоген ташламалар	Антропогенные выбросы	Anthropogenic emmissions
Атроф мухитни назорат килиш	Контроль за окружающей средой	Envirommental control
Атроф	Округа	Environment
Алоҳида муҳофаза қилинадиган	Природный особо охраняемые	Natural one-off safeguard
Арчазор	Заросший елями	Firry
Биосфера қўриқхонаси	Биосферный заповедник	Biospherial forest
Бузуқ, ёмон ер	Бедленд	Managed nature reserve
Белгиланган тартибдаги қўриқхона	Заповедник направленного режима	Forest of directional regime
Геоморфология -[юн.ge-ер, лот. Morphe- шакл, logos-таълимот]	Геоморфология--[юн.ge-ер, лот. Morphe-шакл, logos-таълимот]	Geomorphology--[юн. ge-earth,лот. Morphe-shape, logos-doctrine)
Грунт-[от нем.grund – тупрок, асос	Грунт-[от нем.grund – почва, основа	Ground- [от нем.grund – ground, basis]
Ер ости сувлари	Воды подземные	Water underground
Ер ресурслари	Земельные ресурсы	Land resources
Ер юзаси	Подстилающая поверхность	Face of grounds
Ердан фойдаланиш	Землепользование	Land use
Ернинг бузилиши	Нарушение земель	Disturbance of grounds
Ерни баҳолаш	Оценка земель	Appreciation of grounds
Зарар	Ущерб	Damage
Зарарли модда	Вредное вещество	Hazardous substance
Заҳарли кимёвий моддалар	Ядохимикаты	Chemical week-killer and pest-killers
Ифлослантириш	Источник загрязнения	Source of pollution

манбаси		
Иқтисодий зарар	Ущерб экономический	Economical damage
Иқлимий ўлка	Климатические области	Climatic domains
Иқлим	Климат	Climate
Табиат бойликлари	Природные богатства	Natural gold
Табиат ёдгорликлари	Памятники природы	Natural monuments
Табиатни муҳофаза қилиш	Остественные ресурсы	Natural one-off safeguard
Табиатдан фойдаланиш	Природопользование	Nature use
Табиий шароит	Природные условия	Natural condition
Табиий газлар	Газы природные	Natural gas
Табиий муҳит	Природная среда	Natural environment
Тупроқ қоплами	Почвенный пекров	Land cover
Тупроқнинг шўрланиши	Засоление почв	Soils salinization
Табиий ресурслар	Натуральные ресурсы	Natural resource
Тадқиқот объекти	Объект исследования	The object of the study
Тадқиқот предмети	Предмет исследования	The subject of the study
Экологик омиллар	Экологические факторы	Ecological factors
Экологик ресурслар	Экологические ресурсы	Ecological resource
Экологик мувозанат	Экологическое равновесие	Ecological balance
Экологик тизим	Экосистема	Ecosystem
Экология	Экология	Ecology
Одам таъсири	Антропогенные воздействия	Antropogen exposure
Одам яратган ландшафт	Антропогенные ландшафт	Antropogen landscape
Сув ресурслари	Водные ресурсы	Water resources
Сайр	Экскурсия	Excursion
Миллий боғ	Национальный парк	National park
Қонун	Закон	Law
Ўрмон бойликлари	Лесные ресурсы	Forest resource
Ўсимликлар географияси	Ботаническая география	Botanical geography
Қўриқланадиган ҳудудлар	Охраняемые Территории	The defending area
Ёғинлар	Атмосферные осадки	Precipitation